

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

ПЕНСИЯ ИШИ

ЙЎНАЛИШИ

“ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ
ТАЪМИНОТИ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “_____” даги №__-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: – Маматов Б.С. – Тошкент молия институти доценти

Тақризчилар: – Вахабов А.В. Ўзбекистон Миллий университети “Макроиқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.д., проф.
– Абдуллаев З.А. Тошкент Молия институти “Пенсия иши” кафедраси доценти, и.ф.н.

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2018 йил _____даги __-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I	Ишчи дастур.....	4
II	Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	12
III	Назарий материаллар.....	18
IV	Амалий машғулот материаллари.....	65
V	Кейслар банки.....	72
VI	Мустақил таълим мавзулари.....	106
VII	Глоссарий.....	113
VII	Адабиётлар рўйхати.....	120

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қароридаги устувор йўналишлар ва вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган. Дастурнинг бош мақсади замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришдан иборат.

Дастур мазмuni олий таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида “...таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий

ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш”¹ асосий вазифлардан бири қилиб белгиланган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқуттарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти” модулининг мақсад ва вазифалари:

- “Пенсия иши” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Пенсия иши” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 21 апрель.

Тингловчи:

- пенсия тизими ривожланишининг қонуниятларини, жамғарib бориладиган пенсия таъминоти қонунчилиги асосларини;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш услубиётини;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти бюджетининг истиқболини белгилаш асосларини;
- пенсия тизими ривожланиши стратегияси ва тактикасини;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти фаолиятини ташкил етиш тамойилларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти кўрсаткичларининг прогноз ҳисоб-китобини тузиш, тизим бюджети ижроси якунларини таҳлил етиш;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимини бошқариш органлари фаолиятини ташкил етиш ва натижаларини баҳолаш;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизими ва тузилмасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти назорати органлари фаолиятини ташкил етиш;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти молия институтлари фаолиятини тартибга солиш;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти бюджети ижроси бўйича ҳисоботларни тузиш ва таҳлил етиш;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминотини бошқариш органлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти амалиётига оид хуқуқий-меъёрий хужжатлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш мақсадида илмий тадқиқотларни ўтказиш бўйича *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти бюджети ресурсларини бошқаришнинг асосий усуллари, уларда молиявий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти бюджети маблағларини инвестиция қилиш хусусиятлари;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизими бюджетини прогнозлаштириш усуллари, ривожланиш дастурлари ва жорий, ўрта муддатли бюджетни тузиш асослари;
- жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларини шакллантириш ва харажатларини оптималлаштиришнинг концептуал асослари;

- жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти тизими харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш асослари;
- жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти тизими амал қилиш механизмларидан фойдаланиш;
- жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти тизими орқали ижтимоий барқарорликни таъминлаш;
- жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти тизими бюджетини шакллантириш ва тақсимлашнинг оптималь моделининг тузилмаси юзасидан тегишли *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- жамғаріб бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти, зарурлиги, белгилари ва функцияларини тушунтириш;
- жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти тизимини бошқариш ва тартибга солиш;
- ривожланган мамлакатларда жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти тизими ва пенсия тизими тузилмаси асосида хуносалар чиқариш;
- жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиш манбалари ва сарфланиш йўналишлари боғлиқлигини аниқлаш;
- Халқ банкида жамғаріб бориладиган пенсия тизимини таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;
- жамғаріб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиши;
- жамғаріб бориладиган пенсия таъминотини ифодаловчи кўрсаткичлар моҳияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш ва улар асосида хуносалар чиқариш;
- жамғаріб бориладиган пенсия тизимига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш *компетенциясига* эга бўлиши зарур.

Модулни ташкил этиши ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойихалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Макроиктисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш”, “Тизимли таҳлил усуллари” ва “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий эконометрик моделларни тузиш ва қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш ҳамда оптималь қарорлар қабул қилиш ва прогнозлашга доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустакил таълим	
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот		
1.	Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти, аҳамияти, хуқукий асослари ва аҳолини ижтимоий-қўллаб-куватлашдаги роли	8	8	4	4	-	-	
2.	Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши	8	8	4	4	-	-	
3.	Жамғарib бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш истиқболлари	12	8	2	6	-	4	
	Жами:	28	24	10	14	-	4	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти, аҳамияти, хуқукий асослари ва аҳолини ижтимоий-қўллаб-куватлашдаги роли (4 соат)

Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти ва мазмuni. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг давлат пенсия таъминотидаги аҳамияти. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимига ўтилишининг зарурлиги. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизими орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши. Жамғарib бориладиган пенсия

таъминоти тизимиning молия тизими бўғинлари билан ўзаро муносабатлари.

Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг қонуний асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – пенсия таъминотининг хуқуқий асоси сифатида. “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсад ва вазифалари, ижтимоий таъминот муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлик бўлган муносабатларни тартибга солувчи хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти қонунчилигидаги сўнгти ўзгаришлар ва ривожланиш истиқболлари. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотидаги ўзига хос муаммолар ва ушбу тизим тараққиёти масалалари.

Аҳолини ижтимоий-қўллаб-қувватлашда жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг тутган ўрни.

2-мавзу. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши (4 соат)

Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг мазмuni ва манбалари. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг таркиби, тузилиши ва динамикаси. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларини шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг иштироки ҳамда солик идораларининг аҳамияти. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлаш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши жараёнидаги ўзига хос муаммолар.

Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти харажатларининг мазмuni, таркиби ва тузилиши. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида амалга ошириладиган пенсиялар ва бошқа тўловлар. Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигини таъминлаш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларидан самарали фойдаланишдаги муаммолар ва уларнинг йечимлари.

3-мавзу. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш истиқболлари (2 соат)

Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлаш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларидан оқилона фойдаланиш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти бюджетининг баланслилигини таъминлаш. Жамғарib

бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги шароитида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти фаолиятини такомиллаштириш. Пенсия жамғармаси тизимида жорий қилинган давлат интерактив хизматларини янада такомиллаштириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти, аҳамияти, ҳуқуқий асослари ва аҳолини ижтимоий-кўллаб-куватлашдаги роли (4 соат)

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти ва мазмуни. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг давлат пенсия таъминотидаги аҳамияти. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ўтилишининг зарурлиги. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг молия тизими бўғинлари билан ўзаро муносабатлари.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг қонуний асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – пенсия таъминотининг ҳуқуқий асоси сифатида. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсад ва вазифалари, ижтимоий таъминот муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга соловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қонунчилигидаги сўнгти ўзгаришлар ва ривожланиш истиқболлари. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотидаги ўзига хос муаммолар ва ушбу тизим тараққиёти масалалари.

Аҳолини ижтимоий-кўллаб-куватлашда жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг тутган ўрни.

2-мавзу. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши (4 соат)

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг мазмуни ва манбалари. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг таркиби, тузилиши ва динамикаси. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларини шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг иштироки ҳамда солик идораларининг аҳамияти. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлаш.

Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши жараёнидаги ўзига хос муаммолар.

Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти харажатларининг мазмуни, таркиби ва тузилиши. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида амалга ошириладиган пенсиялар ва бошқа тўловлар. Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигини таъминлаш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларидан самарали фойдаланишдаги муаммолар ва уларнинг йечимлари.

3-мавзу. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш истиқболлари (2 соат)

Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлаш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларидан оқилона фойдаланиш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти бюджетининг баланслиигини таъминлаш. Жамғарib бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги шароитида жамғарib бориладиган пенсия таъминоти фаолиятини такомиллаштириш. Пенсия жамғармаси тизимида жорий қилинган давлат интерактив хизматларини янада такомиллаштириш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўнишка ва малакалари назорати қўйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

№	Баҳолаш тури	Энг юқори балл 2,5	Изоҳ
1.	Таълим олувчилар модулли ўкув ахборотини ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг мақсад ва натижаларини, модул мазмунини аниқ танланганлиги	1,0 балл	Масала ва топширикларни бажариш - 1,0 балл.
2.	Модулли ўкув ахборот: график, расм кўринишида етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши		
3.	Вазият моделини яратилиши	1,5 балл	Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши - 1,5 балл.
4.	Кейс матни баён этилиши		
5.	Кейснинг педагогик паспортининг тузилиши		

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишининг усуллари ва воситалари Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви
Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши

Олиб борувчининг кириш сўзи, кўрилаётган масала билан аудиторияни таништириш, регламентни тасдиқлаш, иштирокчиларни таништириш

Масала бўйича фикрларни аниклаб олиш учун овозга қўйиш

1-томон лидерига сўз бериш

1-томон лидерининг масалани маъқуллаб сўзга чиқиши

2-томон лидерига сўз бериш

2-томон лидерининг масалага карши сўзга чиқиши

У ёки бу фикрни маъқуллашни хоҳловчиларга навбатма-навбат сўз бериш

1-томон лидери томонидан далилларни жамлаш

2-томон лидери томонидан далилларни жамлаш

Масала юзасидан жамоа фикрини аниклаш учун очиқ ёки ёпиқ шаклда овозга қўйиш

Овоз беришга якун ясаш.
Овоз бериши натижаларини эълон килиш

Овоз бериш натижаси асосида қарор қабул қилиш

Бахс

Бахс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва түғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-бахсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалавши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидағи қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга сурисх ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳulosалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

“Ақлий ҳужум”

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вактида иштироқчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўнилмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар ийғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гурӯҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий хужум – микро гурухларга бўлингган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.


Ҳар бир гуруҳ ичидаги умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиши: график ташкил этувчилар





Венн диаграммаси



SWOT - таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, **SWOT** – таҳлилиниңг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси хисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қўйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



“Кучлар таҳлили” графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгигб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Keys-stadi” методи

“Keys-stadi” – инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Keys-stadi” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гурӯҳда ишлаш; муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-loyixa тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга қўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳаки олиб юрди. Грант иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз грант раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингизни бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни грантдан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти, аҳамияти, хуқуқий асослари ва аҳолини ижтимоий-кўллаб-қувватлашдаги роли (4 соат)

Режа

1. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти ва мазмуни. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг давлат пенсия таъминотидаги аҳамияти. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимига ўтилишининг зарурлиги.

2. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизими орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимининг молия тизими бўғинлари билан ўзаро муносабатлари.

3. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг қонуний асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – пенсия таъминотининг хуқуқий асоси сифатида. “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсад ва вазифалари, ижтимоий таъминот муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти.

4. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга соловчи хуқуқий-меъёрий хужжатлар. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришлар ва ривожланиш истиқболлари. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотидаги ўзига хос муаммолар ва ушбу тизим тараққиёти масалалари.

5. Аҳолини ижтимоий-кўллаб-қувватлашда жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг тутган ўрни.

Таянс сўзлар: пенсия, пенсия тизими, пенсия таъминоти, жамғарib бориладиган пенсия таъминоти, мажбурий пенсия бадаллари, ихтиёрий пенсия бадаллари, пенсия дафтарчаси, ижтимоий кўллаб-қувватлаш.

1. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти ва мазмуни. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг давлат пенсия таъминотидаги аҳамияти. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимига ўтилишининг зарурлиги.

Пенсия атамаси лотинча “*pensio*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, таржима қилинганда “*тўлов*” маъносини англатади. Пенсия ижтимоий таъминотнинг муҳим қўриниши бўлиб, амалдаги қонунчиликка кўра “уни олиш хуқуқи қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки

боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бориладиган ойлик пул тўловидир”².

Ҳар бир киши жамият ҳаётида моддий ва номоддий бойликлар яратишда фаол иштирок етар екан, у кексалигида роҳат-фароғатда ҳеч нарсага зориқмасдан яшашга ҳақли. Шундай екан, фуқароларимиз кўзда нур, билакда куч бор пайтида ғайрат билан меҳнат қилиб, кексаликдаги еҳтиёжларни таъминлашга имкон берадиган жамғариб бориладиган пенсия тизими уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашнинг бош омилидир.


Фаровонликни иқтисодий томондан турмуш даражаси ифодалайди, яъни кишилар ҳаётий еҳтиёжларини иқтисодиёт ривожининг муайян ҳолатида нақадар қондирилиши турмуш даражасини билдиради. Фаровонлик кишилар исътемол етадиган неъматларнинг миқдори ва сифатини, ҳаёт кечиришнинг умумий шарт-шароитини қандайлигини билдиради³. Фаровонлик кўрсаткичини фақат истеъмол ҳажми билан тенглаштириб бўлмайди, чунки бунда жамғаришни ҳам ҳисобга олиш керак. Жамғариш еса келажакдаги фаровонликни белгилайди, шу сабабдан билвосита кўрсаткич сифатида қараш мумкин. Жамғарманинг яхшилиги топилган пулнинг жорий истеъмолдан ортиб қолганини билдирганидан уни ҳам фаровонликка хизмат қиласи, деб айтиш мумкин.

Мамлакатимизда 2004-йил 2-декабрда қабул қилинган “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни асосида жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий қилинди. Бундан мақсад фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилаш, шу асосида пенсионерларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик чоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини оширишдир.

Мамлакатимизда яратилган жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳам капиталлашган моделга асосланиб, унинг ташкил етилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, ижтимоий кафолатларни тақдим етиш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт-шароитларидан бири бўлиб, пенсия таъминоти тизимининг янги шакли сифатида жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб етди. Конунчиликка кўра, меҳнат шартномаси асосида ёлланиб ишловчи фуқаролар пенсия тизими иштирокчилари ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс мақомига ега бўлмаган дехқон хўжаликларининг аъзолари ва вақтинчалик иш фаолияти билан шуғулланмайдиган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок етадилар (1-расм).

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 8-сентабрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-хукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сонли қарорининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-банди, 2-хатбоши.

³ Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2006. 400-б.



1-расм. Жамғариладиган пенсия тизимида иштирок етиш механизми⁴

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш хуқуқига эга.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок етувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок етувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади⁵.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тааллукли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар електрон базасида шакллантирилади ва сақланади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади. Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тартиб рақами ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб етилмайди.

Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш хуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси фуқарога

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2-декабрдаги “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни. 6-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2-декабрдаги “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни. 7-модда.

шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағи очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилади. Жамғарib бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан, шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами, шунингдек, бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Жамғарib бориладиган пенсия дафтарчасини бериш тартиби ва бундай дафтарча шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Жисмоний шахсларнинг қонун хужжатлариға мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғарib бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Халқ банки шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларидағи маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғарib бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Ихтиёрий – ўз ҳохишимизга кўра жамғарib бориладиган пенсия бадали тўлаб борганимизда еса бу жамғариладиган маблағ бир неча баравар кўп бўлади.

Шахсий жамғарib бориладиган пенсия тизимбининг мамлакатимизда қўлланилиши жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилиш кўзда тутилган:

- аҳолининг тегишли ижтимоий қатламларини қамраб олувчи кишилар гуруҳи (ишчилар, хизматчилар, меҳнаткашларнинг алоҳида касб бўйича категориялари, алоҳида худудларнинг барча аҳолиси) ёки мамлакатнинг барча аҳолисининг у ёки бу пенсия таъминот туридан манфаатдорлиги;
- барча жамғарib бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсларнинг харажатларини молиялаштириш бўйича мажбурият ва ега бўлган ҳуқуқ ва кафолатлари нуқтаи назаридан тенглиги.

Давлат ўз фуқаролари турмуш фаровонлигини янада ошириш учун тегишли қонунлар орқали зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиб, ҳар томонлама қўллаб-кувватлаб келмоқда. Жумладан, қарияларни улуғлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ва нафақа ёшига етганда уларга қўшимча мадад бериш мақсадида, 2005-йил 1-январдан бошлаб республикамизда фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти амал қила бошлади. Бу аҳоли учун давлат пенсиясига қўшимча даромад манбаи бўлиб, биринчидан, фуқароларни ёш, меҳнатга лаёқатли даврда янада яхшироқ ишлаш ва кўпроқ даромад топиш орқали ўзининг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағлар суммасининг ошишига туртки бўлса, иккинчидан, бу маблағлар фуқаро ва иш берувчиларнинг моддий ҳолатига таъсир етмаган ҳолда давлат бюджетига

үтказилиши керак бўлган даромад солиғи ҳисобига шакланади. Яъни, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти давлат томонидан тўланадиган пенсия тўловига қўшимча равишда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларидаги пул маблағларини англатади. Фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғарган пул маблағларини пенсияга чиққандан сўнг ёки қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда олиш имкониятига ега бўладилар. Айтиш жоизки, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётган фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақами шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвараклари очади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

“Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро етиш ва пенсионерларнинг фаровонлигини қўшимча равишда ошириш учун шартшароитлар яратиш мақсадида 2004-йил 21-декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 595-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан⁶:

- 2005-йил 1-январдан бошлаб амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий етилди;
- 2005-йилда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун хужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида амалга оширилди;
- ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ҳар ойлик бадаллар тўлаш 2005-йилнинг январ ойи учун ҳисобланган иш ҳақи (даромад)дан бошланди;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисобваракларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда белгиланди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари – шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварагига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағларини, жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари – шахсий жамғариб бориладиган

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 595-сонли Қарорининг 1 ва 2-бандлари.

пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағларини англатади.

Жамғарib бориладиган пенсия бадалларини киритувчи (бадал киритувчи) – жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс ҳисобланади. Фуқароларни шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварақларидағи маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлашга жамғарib бориладиган пенсия таъминоти дейилади.

Шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағи – фуқаронинг Халқ банкидаги егаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғарib бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

Жамғарib бориладиган пенсия иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи маҳсус бюджетдан ташқари ижтимоий фонdlардан молиялаштирилиши жамғарib бориладиган пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир.

Жамғарib бориладиган пенсия тизимининг ўзига хос хусусияти давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи маҳсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан пенсияларни молиялаштиришидир. “Жамғарib бориладиган пенсия” иқтисодий категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фонdlарини шакллантириб, кексалик чоғида фойдаланиш шакл ва усуllарини йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизими니 акс еттиради.

Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёsatни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб етади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизимини такомиллаштириш ва ундан самарали фойдаланиш ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кексаликда камбағалликдан ҳимоялашда муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда жамғарib бориладиган пенсия тизимининг ташкил этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва келгусида фуқаронинг моддий таъминотини қўпайтиришнинг асосий шарт-шароитларидан биридир.

Пенсия таъминоти тизими олдида қуйидаги муҳим мақсадлар туради:⁷ кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялаш; меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдидан тўланадиган иш ҳақи миқдорига

⁷ Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси // - Тошкент: Молия . 2010. - № 4. 21-27-б.

пропорционал тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш; бу даромадни келажақда турмуш даражасининг пасайишидан ҳимоялаш. Қолаверса, пенсия тизимининг барқарор амал қилиши жамиятда ижтимоий барқарорликнинг гарови ҳисобланади ва аксинча, пенсия таъминотининг нобарқарорлиги кучли ижтимоий хавфни юзага келтиради⁸. Ана шу мақсадлар қисман бўлса-да жамғариб бориладиган пенсия тизимиға ўтилишининг зарурлигини ифодалайди.

Мазкур тизимнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- жамғариб бориладиган пенсиянинг умумий ва мажбурий характеристи, ижтимоий кафолатларини амалга оширишдаги имтиёзлар кишининг ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши;
- жамғариб бориладиган пенсия мажбурий ва ихтиёрий шаклларнинг бирлиги, teng ҳуқуқлилиги шахснинг ижтимоий таъминотга бўлган зарурий даражасининг таъминланиши ва унинг кексалик чофида яхши яшаши учун таъсир кўрсатиши;
- турли хил пенсия тизимининг бир вақтнинг ўзида амал қилишидаги мустақиллиги ва ўзини-ўзи идора қилиш шароитида мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бўйича тўловларнинг давлат томонидан кафолатланиши;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахс ва иш берувчини молиявий иштирокининг мажбурийлиги;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсга унинг жамғарган бадаллари ҳисобидан турли шаклдаги хизматлар кўрсатилишининг таъминланиши;
- аҳолининг тегишли ижтимоий категорияларни қамраб олувчи кишилар гуруҳи ёки мамлакат аҳолисининг у ёки бу пенсия таъминот туридан манфаатдорлиги;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи барча шахсларнинг ҳаражатларини молиялаштириш бўйича мажбурият ва натижада ега бўлинган ҳуқуқ ва кафолатлар нуқтаи назаридан тенглигининг таъминланиши.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, тақсимловчи ва жамғариб бориладиган пенсия моделларидан муайян иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда фойдаланиш мумкин, аммо пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг самарали воситаси уларнинг биргаликдаги фаолияти ҳисобланади.

2. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг молия тизими бўғинлари билан ўзаро муносабатлари.

Дунёдаги 216 мамлакат орасида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича

⁸ Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К°», 2009. – Стр. 7.

беш мамлакатнинг бири бўлиш – бор-йўғи бундан чорак аср муқаддам мустамлакаликнинг оғир асоратларидан кутулиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистон учун жуда катта ютуқ, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалиб бораётганлигини асословчи далил. Лекин Ўзбекистоннинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига еришиш борасида белгиланган улуғ мақсаднинг тўла рўёбга чиқиши учун еса ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада қўпайтириш ва бундан ҳам жадал суръатлар билан ривожлантириш зарур. 2030-йилга бориб мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг икки баробарга ошириш режалаштирилган⁹.

Бу бежис емас, чунки жамият еришган иқтисодий натижани ялпи ички маҳсулот ҳажми белгилайди. Ялпи ички маҳсулот мамлакат иқтисодий фаолиятининг муайян давр давомидаги умумий натижаларини тавсифлайдиган қўрсаткичdir. Мамлакат ҳудудида жойлашган барча корхоналар (чет ел ва қўшма корхоналари ҳам) жами ишлаб чиқариш омиллари билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг бозор қийматларидағи ифодаси бўлиб, унинг миқдори миллий ҳисоблар тизими асосида ҳисоблаб чиқилади.

Лекин ҳар қандай яратилган товар ва хизматлар ҳам ЯИМ таркибида ҳисобга олинмаслиги мумкин. Товар ёки хизмат ЯИМда акс еттирилиши учун у тугалланган бўлиши лозим.

Масалан: нон ишлаб чиқаришни олайлик. Фараз қилайлик, фермер хўжалигига 1 миллион сўмлик буғдой етиштирилди. Етиштирилган буғдой тегирмонга олиб борилади ва у ерда унга айлантирилади, унинг қиймати 1,5 миллион сўмни ташкил ецин, у ҳолда буғдойни унга айлантиришда қўшилган қиймат 500 минг (0,5 миллион) сўм бўлади. Енди, ун тайёр нон ишлаб чиқариш учун нон цехларига жўнатилиди, нон ишлаб чиқариш қиймати 1,8 миллион деб фараз қилсан, у ҳолда ун маҳсулотидан нон ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат 300 минг сўм (1,8 миллион-1,5 миллион=0,3 миллион ёки 300 минг сўм)га teng бўлади. Демак, нон ишлаб чиқаришда яратилган жами қўшилган қиймат 1 миллион + 0,5 миллион+0,3 миллион=1,8 миллион. сўмга teng бўлади. Мана шу тарзда мамлакатда ишлаб чиқарилган барча пировард товар ва хизматларнинг қийматлари ҳисобланиб, уларнинг йиғиндиси олинса, яратилган ЯИМнинг қиймати ҳосил бўлади. Ушбу усул иқтисодиётда ЯИМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули деб аталади.

ЯИМ ҳажмининг ортиши аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир қўрсатади.

Биринчидан, ЯИМнинг ортиши аҳоли даромадларининг ортишига сабаб бўлади. Масалан, ўтган йили 1 тонна помидор етиштирилиб, килоси 1500 сўмдан сотилган бўлса, жами даромад 1,5 миллион сўмни ташкил етади. Бу йил еса худди шу ер майдонидан помидор етиштиришнинг

⁹ <http://zarnews.uz/iqtisodiyot/6400-hal-va-davlat-birligi-yuksalish-garovidir.html>.

замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда 1,5 тонна помидор етиширилиб сотилса, жами даромад 2,25 миллион сўмни (помидор нархи ўзгармаган деб олинса) ташкил етади.

Иккинчидан, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортиши натижасида бюджетга келиб тушувчи солиқ тушумлари ҳажми ортади. Бу еса давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Учинчидан, ЯИМ ҳажмининг ортиши натижасида янги иш ўринлари яратилади ва аҳолининг иш билан бандлиги ортади.

Тўртинчидан, ЯИМ ҳажмининг ортиши натижасида ички бозорлар тўлади ва маҳсулотларнинг нархи бар-қарорлашади.

Ҳар қандай мамлакатда, жамиятда моддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида яратилган соф маҳсулотлардан иборат миллий даромадгина бошқа шарт-шароитлар teng ва ўзгармас бўлганда, бутун халқ истеъмолини ва мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг, ҳар бир шахс ва барча аҳоли реал даромадларини оширишнинг жуда муҳим моддий асосидир. Миллий даромад моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф маҳсулотнигина қамраб олади. Шунинг учун ҳам миллий ҳисоблар тизимиға ўтиш муносабати билан халқаро ҳисоб-китоблар учун БМТнинг тавсиясига биноан, миллий даромад ўрнига ялпи миллий маҳсулот, 1993-йилдан еса ялпи миллий даромад кўрсаткичи қўлланила бошлади.

Миллий даромад – 1) мамлакатдаги миллий иқтисодиётнинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан муайян бир даврда (одатда, бир йилда) моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган соф маҳсулот; ялпи маҳсулот ҳажмидан уни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат воситалари ва буюмларини қоплайдиган маҳсулот миқдорини — қоплаш фондини чегириб ташлангандан кейин қоладиган маҳсулот; 2) Ғарб мамлакатлари иқтисодчилари талқинида мамлакатдаги меҳнат, капитал ва ер егаларининг бир йилда олган иш ҳаки, фойда, фоиз ва рента каби даромадлари йифиндиси.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида асосий макроиктисодий кўрсаткичлар қаторида турувчи миллий даромадлар кўрсаткичи ҳам 2010-2016 йиллар мобайнида сезиларли даражада ўзгариб турди. 2016-йил якунлари бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 199325,1 млрд. сўмни ташкил қилди. ЯИМнинг 1991-2016 йилларда ўртача йиллик ўсиш сур`ати 4,5 фоизни ташкил қилди. Охирги 10 йилда (2007-2016йиллар) ЯИМ 2,2 баробардан кўпроқ ўсили. Ялпи ички маҳсулотнинг ортиши, ўз навбатида, давлат бюджетидаги даромадларнинг ҳам кўпайишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида миллий даромадни кўпайиши, асосан, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ортиши, амортизация ажратмалари ҳамда бизнесда егри солиқларни камайиши ҳисобига натижга юқори даражада бўлди. Шунинг учун мамлакат миллий даромади ва унга таъсир етuvчи омилларнинг ўзгаришларини таҳлил қилиш, энг аввало,

иқтисодий ўсиш орқали аниқланди. Иқтисодиётнинг ривожланиши, яъни ҳаётий неъматлар бўлган товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилишининг кўпайиб бориши иқтисодий ўсишни англатади¹⁰.

Иқтисодиётнинг жадвал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани мамлакатнинг миллий даромади, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратади. Шунингдек, миллий даромаднинг ҳажми ва таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилишда, енг аввало, иқтисодий ўсишнинг моҳияти иқтисодиётнинг асосий қарама қаршилиги ҳисобланган ресурсларнинг чекланганлиги билан ижтимоий еҳтиёжлар ўсишининг асосий зиддиятини янги даражада ҳал етиш ва қайта ишлаб чиқаришдан иборат. Ушбу зиддият икки асосий усул билан:

- 1) ишлаб чиқариш имкониятларини кўпайтириш;
- 2) мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ижтимоий еҳтиёжларни ривожлантириш ҳисобидан ҳал етилиши мумкин.

Бозор иқтисодиётининг белгиси – товарларни бозордан сотиб олиб истеъмол етилишидир. Бунинг учун пул керак бўлади. Кишилар даромад топиб пулга ега бўлиши учун меҳнат ресурслари, моддий ва молиявий ресурслар ўз егалари томонидан бозор қоидаларига биноан ишлатилиши талаб қилинади. Бироқ, жамиятда бундай ресурслари бўлмаган ёки уларни ишлата олмаганлар ҳам бўладики, уларни пул топарлар боқади. Булар жумласига умуман иш қобилияти йўқ ногиронлар, кўп болали бўлганидан ўзини тўла таъминлай олмайдиган хонадонлар, касаллик туфайли вақтингча иш қобилиятини йўқотганлар, иш қобилияти бўла туриб ишсиз қолганлар, кам таъминланганлар киради. Улар тирикчилик ўтказиш учун даромадга ега бўлишлари керак ва бунга, муҳтожликка қараб, ЯИМнинг бир қисмини тақсимлаш орқали еришилади, яъни жамият уларга ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Бозор даромадлари ишлаб чиқариш соҳасида шаклланса, нобозор даромадлари бундан сўнгги тақсимлаш, яъни қайта тақсимлаш орқали шаклланади. Бозор даромади бирламчи асосий даромад бўлса, нобозор даромади ҳосила, яъни асосий бўлмаган даромад ҳисобланади.

Қайта тақсимлашда асосий ролни давлат, фирма, хонадон, нодавлат ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар молияси ўйнайди. Улар турли молиявий ажратмалар ҳосил етадилар. Давлат бюджетидан давлат пенсияси, субсидиялар, нафака (ёрдам пули) ажратилиб, улар хонадонлар, фирмалар ва нодавлат ташкилотларга берилади ва ўша ердан туриб қайта тақсимланади.

Харажатлар ёрдамида миллий даромаднинг маълум қисми қайта тақсимланади, давлат ўз таъсирини ишлаб чиқаришга ўтказади. Сўнгра миллий даромад қуидагича тақсимланади ва қайта тақсимланади: ижтимоий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида, чунки миллий даромад, асосан, ишлаб чиқарадиган соҳада яратилади. Давлатнинг

¹⁰ Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2006. 283-б.

порлоқ келажагини таъминлаш учун ноишлаб чиқариш соҳаларига харажатлар қилинади, яъни: соғлиқни саклаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, халқ хўжалиги тармоқлари учун мутахассис кадрларни таёrlаш хизматлари, тўла ва қисман меҳнат қобилиятини йўқотган фуқароларни моддий таъминлаш ва ҳ.к. Шунинг учун миллий даромаднинг бир қисми давлат бюджетининг харажатлари тизими орқали миллий даромад яратилмайдиган соҳага қайта тақсимланади:

1. Тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар ўртасида. Бундай зарурат, асосан, мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасидан келиб чиқади, чунки бирлашмалар, корхоналар ва тармоқларнинг техникавий ривожланиш даражаси, қуввати, фондлар билан таъминланганлик даражаси ҳар хил бўлиши табиий. Бундан ташқари, аниқлашга табиий бойликларнинг нотекис жойлашганлигини баҳолаш тизими катта аҳамиятга егадир. Бирлашмалар, корхоналар, тармоқларнинг ишлаб чиқариш кўламини кўпайтириш харажатлари ҳар доим ҳам уларнинг шахсий даромадлари ва жамғармаларига мос тушавермайди.

2. Давлат ва аҳоли ўртасида. Аҳолидан олинадиган солиқлар ёрдамида давлат орқали миллий даромаднинг маълум қисми қайта тақсимланиши амалга оширилади. Бунда кенгайтирилган ишлаб чиқариш зарурatlари ва бошқа умумдавлат талабларини қондириш мақсадида аҳоли даромадларининг маълум қисми (улуши) шахсий мулкчиликдан умумийликка ўтиши содир бўлади.

Миллий даромаднинг давлат бюджети орқали тақсимланаётган қисми доимо ўзгариб туради, чунки давлат иқтисодий ривожланиш даврида маълум иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал қиласи.

Товар-пул муносабатлари устун ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида манфаатлар таркибида моддий манфаатлар асосий ўринни егаллайди. Моддий манфаатларни қондириш манбаи – мамлакатда яратилган миллий даромад бўлиб, у учга тақсимланади: бир қисми давлатга, иккинчи қисми ёлланма ишчиларга, учинчи қисми еса тадбиркорларга. Умумий ҳолда давлат миллий даромаддаги ўз улушкини жамият олдидаги ўз функцияларини бажариш мақсадларида, тадбиркорлар ўзларининг бозордаги мавқенини мустаҳкамлаш мақсадларида, ёлланма ишчилар еса рўзғор тебратиш илинжида ишлатадилар.

Умуман, тақсимлаш орқали ЯИМ ва милий даромад бирламчи ва қайта тақсимланади ва турли хил пул фондлари ҳосил қилинади. Ялпи ички маҳсулотни бюджет орқали қайта тақсимлаш бир вақтнинг ўзида узлуксиз икки босқичда амалга оширилади: давлат бюджети даромадлари шакллантирилади; давлат бюджети маблағлари харажат елементлари бўйича сарфланади. Давлат ўз вазифаларини бажаришда давлат бюджети харажатлари муҳим аҳамият касб етади. Миллий даромаднинг бир қисми давлат бюджети орқали қайта тақсимланади ва қайта тақсимлаш натижасида зарур бўлган тармоқлар молиялаштирилади. Мамлакатда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида давлат бюджети

харажатларининг асосий қисмини ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари ташкил етади¹¹. 2016-йилда бюджет харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари 59,2 фоизни ташкил қилди. 2017-йилги ижтимоий харажатлар давлат бюджети барча харажатларининг 59,7 фоизини ташкил этиши прогноз қилинган. Бундай ҳолат, ўз навбатида, ушбу соҳага қилинаётган харажатлар номинал миқдорларда, шунингдек, умумий харажатлар салмоғида ҳам ортиб бораётганлигини ҳамда давлат томонидан мазкур соҳага катта еътибор берилаётганлиги кўрсатади.

3. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг қонуний асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – пенсия таъминотининг ҳуқуқий асоси сифатида. “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсад ва вазифалари, ижтимоий таъминот муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти.

Маълумки, Ўзбекистонда жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. 1992-йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2-декабрдаги “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-декабрдаги “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 595-сонли Қарори ва унга илова қилинган Низомлар¹², Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-йил 28-июндаги “Жамғарib бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-110-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006-йил 7-октябрдаги 88-сонли ва ва 282-В сонли Қарори билан тасдиқланган “Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом шулар жумласидандир. Мазкур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда жамғарib бориладиган пенсия тизимини тартибга солиш масалалари, имтиёзлар ва кафолатлар, рағбатлантириш омиллари ва преференциялар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: “Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум

¹¹ www.stat.uz.

¹² “Халқ банки томонидан фуқароларни жамғарib бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиши тартиби тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларини очиш ва юритиши ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Жамғарib бориладиган пенсия дафтарчasi тўғрисида”ги Низомлар.

бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига ега. Пенсиялар, нафакалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур енг кам миқдордан оз бўлиши мумкин емас”,¹³ лиги, алоҳида қайд етилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат пенсиясига чиққанларни қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш, фуқароларнинг жамғаривори бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2004-йил 2-декабрда “Фуқароларнинг жамғаривори бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни жамғаривори бориладиган пенсия таъминоти тизимининг янги шакли сифатида жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб етди. Ушбу Қонун 4 та бўлим ва 27 та моддадан иборат бўлиб, унда:

- жамғаривори бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқи;
- жамғаривори бориладиган пенсия таъминоти бўйича давлат кафолатлари;
- жамғаривори бориладиган пенсия тизимида иштирок етиш;
- фуқароларни жамғаривори бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш;
- шахсий жамғаривори бориладиган пенсия ҳисобвараклари очиш;
- жамғаривори бориладиган пенсия дафтарчаси;
- шахсий жамғаривори бориладиган пенсия ҳисобваракларида маблағларнинг шакллантирилиши;
- шахсий жамғаривори бориладиган пенсия тизими маблағларини шакллантириш;
- жамғаривори бориладиган пенсия тизими маблағларидан фойдаланиш;
- шахсий жамғаривори бориладиган пенсия ҳисобваракларига маблағларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланилиши устидан назорат;
- жамғаривори бориладиган пенсия маблағларини солиқ солишдан озод қилиш;
- жамғаривори бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим етиш;
- жамғаривори бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи;
- жамғаривори бориладиган пенсия тўловларини айрим ҳолларда олиш ҳуқуқи;
- жамғаривори бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома;
- жамғаривори бориладиган пенсия тўловларини олишда танлаш ҳуқуқи;
- жамғаривори бориладиган пенсия тўловларини тўлаш;
- жамғаривори бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 39-модда. 1992 йил 8 декабрь.

- жамғаріб бориладиган пенсия бадалларини киритувчиларнинг мажбуриятлари;
- Халқ банкининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- жамғаріб бориладиган пенсия түловлари түлашни тугатиш;
- жамғаріб бориладиган пенсия түловларини ушлаб қолиш ёки тұхтатиб туриш кабилар бўйича тартиб-қоидалар акс еттирилган.

“Фуқароларнинг жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти тұғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро етиш ва пенсионерларнинг фаровонлигини құшимча равища ошириш учун шартшароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-декабрдаги “Фуқароларнинг жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти тұғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 595-сонли Қарори қабул қилиниб, унга мувофик, 2005-йил 1-январдан бошлаб амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимиға құшимча равища жамғаріб бориладиган пенсия тизими жорий етилди.

Жамғаріб бориладиган пенсия тизимининг барқарор ишлашини ва техника билан тегишли даражада жиҳозланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-йил 28-июндаги “Жамғаріб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги құшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ги ПҚ-110-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга асосан фуқароларнинг якка тартибдаги жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобварапқарига мажбурий бадаллар бюджетта түланадиган солиқлар ва мажбурий түловларга тенглаштирилди ҳамда 2005-йилнинг 1-июлидан бошлаб барча юридик шахслар фуқароларнинг жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобварапқарига бадаллар ажратишни жисмоний шахслар даромад солиғини бюджетта белгиланған шакл ва муддатларда түлаш билан бирга амалга ошириб келмоқдалар.

“Жамғаріб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тұғрисида”ги Низом асосида жамғаріб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан, молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби белгилаб берилди. Шунингдек, жамғаріб бориладиган пенсия тизими маблағларини самарали жойлаштиришни ташкил етиш мақсадида Молия вазирлиги, Марказий банк ва Халқ банкининг вакилларидан иборат бўлган Жамғаріб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштириш ва даромадларини шакллантириш сиёсатини белгилаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди. Ушбу Кенгашнинг вазифалари ва ҳуқуқлари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг жамғаріб бориладиган пенсия таъминотини жорий етиш ҳамда фуқароларнинг жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2004-йил 2-декабрда “Фуқароларнинг жамғаріб бориладиган пенсия

таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшовчи чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғарib бориладиган пенсия таъминоти олиш хуқуқига ега. Давлат жамғарib бориладиган пенсия тизимида маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлади.

Иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия тизимида иштирок етиши мажбурийдир. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил етмаган ҳолдаги дехқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғарib бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок етадилар.

Жамғарib бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок етувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади. Жамғарib бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок етувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахслар жамғарib бориладиган пенсия тизимида фуқароларни ҳисобга қўйиш, шунингдек шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларини очиш учун Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталаида электрон ариза беришга ҳақли.

Жамғарib бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобвараклари очиш;
- жамғарib бориладиган пенсия дафтарчасини бериш.

Жамғарib бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.

4.Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи хукуқий-меъёрий ҳужжатлар. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришлар ва ривожланиш истиқболлари. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотидаги ўзига хос муаммолар ва ушбу тизим тараққиёти масалалари.

Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи хукуқий-меъёрий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2-декабрдаги “Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-декабрдаги “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида”ги Қарори ва унга илова қилинган “Халқ банки томонидан фуқароларни жамғарib бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Халқ банкида фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни киритиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Жамғарib бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисида”ги Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг қўшма Қарори асосида 2005-йил 31 январда тасдиқланган “Иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварагига бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномавий хати;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-йил 28-июндаги “Жамғарib бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-110-сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88-сонли ва 282-В сонли қарори билан тасдиқланган “Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2010-йил 3-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма Қарори ва шу асосда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 26-ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг

кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2455-сон қарорига 9-илова “Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ставкалари”.

“Халқ банки томонидан фуқароларни жамғарib бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом жамғарib бориладиган пенсия тизимида фуқароларни шахсий ҳисобга қўйишини ташкил этишнинг норматив-хукуқий асосини, принциплари ва механизмларини белгилаб беради ва Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади.

Халқ банки томонидан фуқароларни жамғарib бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобга олишнинг мақсади қўйидагилардан иборат:

– фуқаронинг жамғарib бориладиган пенсия тизимида қатнашиши тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинишининг тўлиқлигини таъминлаш, бадал киритувчилар томонидан шахсий пенсия тўловларини олувчи фойдасига амалга ошириладиган шахсий жамғарилиб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар киритиш даврлари ва микдорлари, маблағларни жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам шу жумлага киради;

– жамғарib бориладиган пенсия тизимининг қатнашчилари ва уларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағига омонатлари тўғрисидаги Халқ банкининг жамғарib бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар електрон базасини яратиш;

– маблағларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағига тўғри ўтказилганлигини тезкор назорат қилиш учун шартшароитлар яратиш;

– жамғарib бориладиган пенсия тизими қатнашчиларига жамғарib бориладиган пенсия тўловлари тайинлаш тартибини соддалаштириш ва тартиб-қоидасини тезлаштириш.

Бир вақтнинг ўзида қўйидаги принципларга асосланилади: жамғарib бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобининг мажбурийлиги, тўлиқлиги ва тезкорлиги; шахсий ҳисобга олиш маълумотларининг маҳфийлиги, ушбу маълумотлардан фақат жамғарib бориладиган пенсия тизими мақсадлари учун фойдаланиш; жамғарib бориладиган пенсия тизими қатнашчилари бўлган фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия тизимидағи ўзларининг ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиши.

Халқ банки шахсий ҳисобга олишни амалга оширувчи ҳисобланади. Шахсий ҳисобга олиш қўйидагиларни ўз ичига олади: фуқароларни жамғарib бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш; иш даврлари (ўзгаришлар) ва ҳисобга олингандан кейинги иш даври учун шахсий

жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобварагыңа бадаллар тұлаш миқдорлари тұғрисидегі маълумотларни йиғиши; жамғаріб бориладиган пенсия түловлари миқдорини белгилаш ва унга тузатиш киритиш жараёнини ахборот билан таъминлаш.

Жамғаріб бориладиган пенсия тизиміде мажбурий тартибда қатнашаётган фуқароларни жамғаріб бориладиган пенсия тизиміде ҳисобға олиш иш берувчи томонидан иш берувчи солик рўйхатига олинган жойдаги Халқ банкининг филиалида амалга оширилади.

Фуқароларнинг шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобваракларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни киритиш тартиби “Халқ банкида фуқароларнинг шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобваракларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни киритиш тартиби тұғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Жамғаріб бориладиган пенсия тизими қатнашчилари, пенсия бадаллари суммасининг миқдори ва ҳаракати, шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобварагыңа пенсия жамғармаси тұғрисидегі маълумотлар махфий ҳисобланади ва “Банк сири тұғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ҳимояланган.

Жамғаріб бориладиган пенсия түловлари қуйидаги ҳолларда тұхтатилади:

- шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобварагыда жамғарилған маблағлар батамом тугаганда;
- түловларни олувчи шахсий жамғаріб борилған пенсия ҳисобварагыда жамғарилған жами суммани меросга үтказиши мақсадида түловларни олишдан ёзма равища нотариал тасдиқланған тартибда воз кечғанда;
- давлат пенсияси олиш хуқуқини йүқтөтгандан.

Жамғаріб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан, ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мүлжалланған Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади. Иш берувчига үзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларнинг шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобваракларига құшимча бадаллар тұлаш хуқуқи берилади. Құшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органды билан келишиб белгиланади. Иш берувчининг жамғаріб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тұлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин емас.

Жамғаріб бориладиган пенсия тизиміде мажбурий тартибда иштирок етувчи фуқаролар ўз шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобваракларига, шунингдек, учинчи шахслар фойдасига ўзлари

мустақил равища белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда қўшимча бадаллар киритишга ҳақли.

Жамғарib бориладиган пенсия тизимида иштирок етувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғарib бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига ега. Фуқаро вафот етган тақдирда, шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда берадиган жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олиш учун асос бўлади.

Жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган аризани меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқаролар иш берувчи орқали, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил етмаган ҳолдаги дехқон ҳўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар еса бевосита яшаш жойларидағи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берадилар.

Жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада жамғарib бориладиган пенсия тўловлари бошланадиган сана кўрсатилади. Жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олувчига ариза бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига келиб тушган кундан еътиборан беш иш куни ичida Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда берилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ўз вақтида берилишини таъминлайди ҳамда берилган гувоҳномалар ҳисобини юритади.

Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равища белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғарib бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига ега.

Жамғарib бориладиган пенсия тўловлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан берилган жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги

гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат етилган ойдан кейинги ойдан еътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш хуқуқи юзага келгач, тўланади. Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларидан маблағларни қонун хужжатларига мувофиқ берилган хужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларида маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш суд қарорлари ва бошқа органларнинг қонун хужжатларига мувофиқ ижро етиладиган хужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ 2010-йил 1-январдан бошлаб фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равища йўналтириладиган суммаларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёз жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равища йўналтириладиган суммаларида камайтириш (солиқ чегирмаси) тарзида берилади. Солиқ чегирмаси солиқ солинадиган иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадларини ўзининг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварагига ихтиёрий равища ўтказган жисмоний шахсга берилади. Солиқ чегирмаси жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равища ўтказиладиган суммага, жисмоний шахснинг ҳисобланган даромади миқдорида берилади. Бунда иш берувчи жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равища ўтказиладиган маблағларни иш ҳақини тўлаш муддатидан кечиктирмай ўтказиши зарур. Агар жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий бадаллар тарзида тушган маблағлар солиқ даври тугагунига қадар тўланадиган бўлса, ушбу маблағларга жисмоний шахснинг жами йиллик декларацияси асосида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Халқ банки ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 30-кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равишда ўтказилган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим етади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги чоракнинг иккинчи ойининг 10-кунига қадар, йил якуплари бўйича еса – 5-апрелдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равишда ўтказилган маблағлар миқдорига солиқ чегирмасини қўллаган жисмоний шахслар сони тўғрисидаги маълумотларни тақдим етади. Халқ банки томондан давлат солиқ хизмати органига тақдим етилган жисмоний шахсларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига тўловлар тўғрисидаги маълумотлар солиқ сири ҳисобланади ва ошкор етилмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотидаги ўзига хос муаммолардан бири шуки, аввало, ушбу тизимда молиявий риск даражаси юқори бўлади, айниқса, нобарқарор иқтисодиёт (инқироз) шароитида бу ниҳоятда жиддий масала ҳисобланади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимиға инфляция ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Жамғариладиган пенсия маблағларини жамғариш жараёнидаги асосий жиҳат – бу уларни инвестициялашдир. Бунда маблағлар бутлигини таъминлашнинг ва уни янада кўрайтириш йўлларидан бири – бу инвестициялаш учун самарали молиявий воситаларни танлаш, диверсификациялаш кафолатлари, молиявий рискларга ортиқча концентрациясига йўл кўймасликдир. Таъкидлаш жоизки, инвестициялаш жараёнини ташкил қилишда инвестицион инфратузилма, маблағлар бутлиги ва даромадлилигини таъминлаш муҳим аҳамият етади. Бу ерда икки ўзаро қарама-қарши вазифалар вужудга келади: бир томондан кўйилмаларнинг даромадлилигини таъминлаш, иккинчи томондан – рискларни камайтириш. Шунинг учун бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун жаҳон амалиётида қуйидаги тамойиллар қўлланилади: рискларни суғурталаш; инвестицион портфелни диверсификациялаш; рискни лимитлаш¹⁴.

Муаммоли жиҳатлардан яна бири жамғариладиган пенсия маблағларини жойлаштиришда мумкин бўлган инвестициялаш объектларини танлаш ва молия бозорларининг тегишли соҳаларининг тайёрлигини аниқлашдир. Одатда, давлат томонидан чиқарилган ва кафолатланган қимматли қоғозлар камроқ рискли сифатида қаралади. Даромадлилик нуқтаи назаридан облигациялар қулай ҳисобланади. Бу, асосан, жамғариладиган пенсия маблағларини бутлигининг қўшимча кафолати сифатида дастлабки босқичларда муҳим аҳамият касб етади.

¹⁴ Носиров Э. ва бошқ. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. 116-б.

Жамғариладиган пенсия маблағларининг реал мол-мулк билан таъминланган бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга ега. Шунинг учун жамғариладиган пенсия маблағлари ЯИМни оширишга йўналтирилиши ва иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияланиши лозим. Бу мамлакат иқтисодиётида хусусий инвестицион ресурслар камомадини муайян даражада бартараф етиш имконини беради. Ушбу ҳолатда инвестицион портфелнинг асоси корпоратив қимматли қоғозлар бўлиши лозим. Акциялар, моҳиятан компания капиталидаги улуш ҳисобланиб, унинг қиймати компания капиталининг ортишига тўғридан-тўғри боғлиқлиги сабабли, нисбатан юқорироқ даромадлиликни таъминлаши мумкин. Акцияларга узок муддатли қўйилмаларни инобатга олган ҳолда, улар бўйича даромадлилик давлат қимматли қоғозларига қўйилмаларга нисбатан бир мунча юқори бўлиши мумкин. Шу билан бирга пенсия жамғармалари маблағларини акцияларга инвестициялаш ишловчиларга даромадларда иштирок етиш ва охир оқибатда юқорироқ пенсияни таъминлаш имконини беради.

5. Аҳолини ижтимоий-қўллаб-қувватлашда жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг тутган ўрни.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда пенсиялари муҳим ўрин егаллади. Шу муносабат билан иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида фуқароларнинг пенсия таъминоти бўйича ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатланишини кучайтириш ва пенсия тизимини барқарор ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш мақсадида мамлакатда пенсия тизими, шу жумладан, жамғариладиган пенсия таъминоти ислоҳ қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, республикамиз ҳудудида доимий яшовчи чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига ега. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Конунига асосан:

- давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок етувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлади;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок етувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчилар сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига ега;
- тўловларни олувчилар ўzlари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига ега;
- фуқаро вафот етган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади;

– фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига, доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварафида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок етувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади. Ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварафида мавжуд бўлган маълумотларни Халқ банки филиалидан бир йилда бир марта бепул, шунингдек, ўз сўровига кўра исталган вақтда олиш ҳуқуқига ега.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат. Давлат томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган жамғариш ёки ишловчилар иш ҳақининг бир қисмини бадал кўринишида пенсионерлар фойдасига ундириш пенсия тўловлари манбайнинг ишончли асосини таъминлайди. Бу имконият, нафақат, емиссия йўли билан, балки ижтимоий сиёsat доирасида зарурӣ ҳолларда иш ҳақи миқдорини жорий иш ҳақи ва пенсия ажратмаларига тақсимлашга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Амал қилаётган авлодлар бирдамлиги қайта тақсимлаш тамоилига асосланган бўлиб, пенсия тизими ишловчиларнинг тегишли молиявий муассасаларга, хусусан, жамғариладиган пенсия жамғармаларига маблағлар қўйишини инкор етмайди. Мехнатда майблангандлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот етган боқувчининг оиласига, шунингдек, марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Баҳс-мунозара ва назорат учун саволлар:

- Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг моҳияти ва мазмунини тушунтириб беринг.
- Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг давлат пенсия таъминотидаги аҳамиятини ёритиб беринг.
- Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини жорий қилишдан мақсад нима?
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-декабрда “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-

тадбирлари ҳақида”ги 595-сонли Қарорининг мақсад ва вазифаларини тавсифлаб беринг.

- Жамғарib бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари деганда нимани тушунасиз.
- Жамғарib бориладиган мажбурий пенсия бадаллари нимани англатади.
- Жамғарib бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар бўлиб кимлар бўлиши мумкин.
- Шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобвараги деганда нимани тушунасиз?
- Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимига ўтилишининг зарурлигини ифодалаб берингчи?
- Жамғарib бориладиган пенсия тизимиning ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат.
- Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизими орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишини изоҳлаб беринг.
- Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг қонуний асосларини ташкил етувчи қандай хуқуқий-меъёрий ҳужжатларни биласиз.
- “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-йил 28-июндаги “Жамғарib бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-110-сонли Қарорининг мақсад ва вазифаларини айтиб беринг.
- “Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомда нималар белгилаб берилган.
- “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсад ва вазифалари ҳамда ижтимоий таъминот муносабатларини тартибга солишдаги аҳамиятини ёритиб беринг.
- Жамғарib бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қандай амалга оширилади.
- Жамғарib бориладиган пенсия дафтарчаси деганда нимани тушунасиз.
- Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш қандай амалга оширилади.
- Халқ банки томонидан фуқароларни жамғарib бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобга олишда қандай мақсадлар кўзда тутилган.

- Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни киритиш тартиби қайси Низом асосида амалга оширилади.
- Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари қандай ҳолларда тўхтатилиди.
- Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори нималарга боғлиқ.
- Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуки қандай амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси Солик кодексида жамғариб бориладиган пенсия тизими бўйича қандай имтиёзлар мавжуд.
- Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришларни биласизми?
- Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қандай ижобий жиҳатлари мавжуд?
- Сизнинг фикрингизча, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қандай камчиликлари бор?
- Жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳозирда қандай функцияларни бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992-йил 8-декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2-декабрдаги “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2005-йил 23-сентябрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги Қонуни.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чоратадбирлари хақида”ги 595-сонли Қарори.

8. Аллаяров Ш., Тошмухамедова Д. Давлат пенсия таъминоти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015. – 232 б.
9. Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К0», 2009. – 576 с.
10. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: “Ношир”, 2012. – 676 б.
11. Вахабов А.В. Миллий пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш механизми ва амалга ошириш дастаклари. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “Иқтисод молия”, 2017. 11-16-б.
12. Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси // Молия. 2010. - № 4. 21-27-бр.
13. Влияние единого социального платежа на занятость и финансовые показатели предприятий в Республики Узбекистан. Аналитическая записка. УНДП Узбекистан. Ташкент – 2015. – С. 6
14. Голубева С.В. Развитие пенсионных систем зарубежных стран и России в условиях демографического старения: автореф дис.к.е.н. – М.: «Российский университет дружбы народов», 2008. – С. 6.
15. Давронов Ш.З. Развитие устойчивого накопительного пенсионного обеспечения в банковской системе Узбекистана. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “Иқтисод молия”, 2017. 120-121-б..
16. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – 288 р.
17. Зиядуллаев М.Ж. Пенсия таъминотидаги ислоҳотлар ва яратилган интерактив хизматлар. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “Иқтисод молия”, 2017. 19-21-б.
18. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 448 б.

2-мавзу. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши (4 соат)

Режа

1. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг мазмунни ва манбалари. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг таркиби, тузилиши ва динамикаси. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларини шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг иштироки ҳамда солиқ идораларининг аҳамияти.

2. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлаш. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши жараёнидаги ўзига хос муаммолар.

3. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти харажатларининг мазмунни, таркиби ва тузилиши. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминотида амалга ошириладиган пенсиялар ва бошқа тўловлар.

4. Жамғаріб бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигини таъминлаш. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларидан самарали фойдаланишдаги муаммолар ва уларнинг йечимлари.


Таянч сўзлар: жамғаріб бориладиган пенсия, пенсия тизими, иш ҳақи, меҳнат стажи, инвестиция, фоиз, молиявий маблағлар, мажбурий ажратмалар, пенсияларни ҳисоблаш ва тўлаш, пенсия таъминоти харажатлари.

1. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг мазмунни ва манбалари. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг таркиби, тузилиши ва динамикаси. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти маблағларини шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг иштироки ҳамда солиқ идораларининг аҳамияти.

Жамғаріб бориладиган пенсия таъминотининг манбасини фуқароларнинг шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар ташкил қиласди. Бунда жисмоний шахсларнинг қонун хужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқаріб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи ҳисобига жамғариладидан пенсия маблағлари шаклланади. Таъкидлаш жоизки, ходимларнинг шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ҳар ойлик бадаллар тўлаш 2005-йилнинг январ ойи учун ҳисобланган иш ҳақи (даромад)дан бошланган. Жамғаріб бориладиган пенсия тизимида пенсия

жамғармаларини фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари ҳисобига емас, балки давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағлардан ажратмалар ҳисобига шакллантириш механизми амал қилмоқда. Бунда, фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадаллар жисмоний шахслар даромад солиғининг бюджетга йўналтириладиган бир қисми ҳисобидан амалга оширилади.

Албатта, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини шакллантириш учун, аввало, ушбу тизимга аъзоликни таъминлаш керак. Аъзолик еса 2 хил тарзда бўлиши мумкин: мажбурий ва ихтиёрий. Мехнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда, бироқ, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил етмаган ҳолда фаолият юритувчи деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок етишлари мумкин (2.1-расм).



2.1-расм. Жамғариб бориладиган пенсия тизимидағи иштироқи¹⁵

Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Ҳалқ банки томонидан фуқароларга шахсий жамғариладиган пенсия маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ микдорда тўланиши, ўз навбатида, банкнинг молиявий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотини амалга оширувчи Ҳалқ банкининг сўнгги йиллардаги молиявий кўрсаткичлари барқарор суръатларни қайд етмоқда. Жумладан, 2017-йил 1-сентабр ҳолатига Ҳалқ банкининг 198 та филиали, шунингдек, 27 та мини-банк, 2855 та жамғарма, махсус, коммунал ва қўчма (сайёр) кассалари ва 183 та халқаро пул ўтказмалари ва 54 та валюта айирбошлиш шоҳобчалари аҳоли ва мижозларга хизмат кўрсатмоқда. 2017-йил 1-сентабр ҳолатига банк капитали 566,7 млрд. сўмни, депозит базаси 3540,7 млрд. сўмни, аҳоли омонатлари 2696,7 млрд. сўмни, банкнинг кредит портфели 2832,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таминоти тўғрисида”ги Конуни. 2004 йил 2 декабрь. 6-модда.

даврига нисбатан сезиларли тарзда ошган¹⁶. Бу еса иқтисодиётни модернизация қилиш нұқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғарib бориладиган пенсия түловлари түлаш учун фойдаланилади. Маълумотларга кўра, 2015-йилда жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимидан 9256100 нафар фуқаро фойдаланган¹⁷. Қонун ҳужжатларида белгиланғанидек, Халқ банки фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимида қўйилган маблағларни марказлашган ҳолда узоқ муддатли активларга инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда.

Бугуғи кунда пенсия ёшига етган кекса ёшдаги фуқаролар ҳар ойда олинадиган давлат пенсиясига қўшимча равишда бирданига ёки қисман олиш йўли билан ҳисобваракларидағи маблағларни Халқ банки филиалларидан олишмоқда.

Халқ банки ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жамғарib бориладиган пенсия тизимининг самарадорлигини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Республиканинг барча минтақаларидаги Халқ банки бўлимларида хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдимномаси бўйича фуқаролар учун якка тартибдаги жамғарib бориладиган пенсия ҳисоб-вараклари очилди, шахсий жамғарib бориладиган пенсия дафтарчалари берилиб, жамғарib бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишининг электрон маълумотлар базаси шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқ банки билан биргаликда иш берувчилар томонидан фуқароларнинг якка тартибдаги жамғарib бориладиган пенсия ҳисоб-варакларига мажбурий бадалларни қўшиб тўлаш тартибини амалга оширади. Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия ҳисоб-варакларига бадаллар ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилмаганлиги учун айбор шахсларга нисбатан солиққа оид амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсир чоралари қўлланилади. Албатта, бундай чоралар жамғарib бориладиган пенсия тизимини тартибга солища мухим аҳамиятга ега.

2. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлаш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши жараёнидаги ўзига хос муаммолар.

Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлиги, аввло, тизимни тартибга солувчи ҳуқуқий-меърий ҳужжатларни тўла амал қилиш ва такомиллашувига, Халқ банки томонидан ушбу маблағлардан инвестиция ва кредит сифатида самарали фойдаланишга, тизимда

¹⁶ <https://www.xb.uz>.

¹⁷ www.xb.uz.

ихтиёрий иштирок етувчи фуқароларга рағбатлантирувчи омилларнинг таъсиричан механизмига, иқтисодиётда банд аҳоли сонига, фуқароларнинг ойлик маош миқдорларига, инфляция суръатларига, фуқароларнинг умр кўриш давомийлигига боғлиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки инсон кексайганда унинг тўкин яшашига имкон берадиган пенсия тизимини молиялаштириш усулини яратиш ва уни самарали жорий қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш жамғариладиган пенсия тизимини молиявий барқарорлаштиришга имкон беради. Турли давлатларда бу мақсадга еришиш йўллари бир-биридан фарқ қиласди.

Пенсия таъминоти масаласи айниқса XX асрнинг 80-йилларида мураккаблашди – айнан шу вақтда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида пенсия тизими ислоҳотлари бошланди. Ишлаётганлар (тўлайдиганлар) билан ишламаётганлар (пенсия оладиганлар) ўртасидаги фарқ кўпайгани учун тақсимлаш тизими ишламай қолди ва бу муаммо пенсия тизимини ислоҳ қилишга мажбур қилди. Пенсия таъминотидаги фарқ асосан давлат харажатлари ҳисобидан қопланарди, яъни бу ҳам пенсия таъминоти ўзгаришига сабаб бўлди.

Пенсия тизими барқарорлигини таъминлашда қуйидаги жиҳатларга алоҳида еътибор бериш зарур:

- ишловчи фуқаролар ўз ойлик маошларидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига маблағларни ойма-ой жамғариб борадилар. Мазкур жамғармалар иқтисодиётда инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштирилади. Аммо жамғарма егаси ўз жамғармаси учун оладиган қўшимча устама даромад ресурслардан фойдаланганлик учун фоиз устамасидан бир неча марта кам ҳисобланади ҳамда жамғарма маблағлари иқтисодиётдаги турли инфляцион ўзгаришлардан ҳимояланмайди. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотига нисбатан фуқаролар қарашлирини ижобий тарафга ўзгартириш, уларнинг йиллар давомида жамғариб борадиган маблағларига нисбатан устама фоиз ставкаларини ошириш ҳамда турли салбий инфляцион таъсиrlардан ҳимоялаш чораларини кучайтириш зарур;

- нодавлат пенсия тизимини шакллантириш учун унинг қонунчилик асосларини яратиш ҳамда улар фаолиятини назорат қилишнинг қатъий тизимини яратиш мақсадга мувофик;

- пенсия таъминоти тизимида муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ахбарот алмашинув тизимини такомиллаштириш лозим;

- аёллар ва еркакларнинг умр кўриш давомийлиги ва ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш вақти давомийлигини ҳисобга олган ҳолда пенсия ёши ва иш стажини яхлитлаш лозим (аёллар 55 ёшда 20 йиллик иш стажи билан ёшга доир пенсияга чиқадилар, уларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги-ўртача 75,8 йил, еркакларда 60 ёшда 25 йиллик иш стажи билан ёшга доир пенсияга чиқадилар, уларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 71,1 йил);

– ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоблаш базасини кенгайтирилиши зарур. Бунда, аввалом бор, жисмоний шахсларнинг қўшимча даромадлари сифатида еътироф етиладиган мулкий даромадлардан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланиши мақсадга мувофиқ.

3. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти харажатларининг мазмuni, таркиби ва тузилиши. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотида амалга ошириладиган пенсиялар ва бошқа тўловлар.

Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғарib бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади ва жамғарib бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин емас.

Халқ банки жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини қўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади. Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Жамғарib бориладиган пенсия бадаллари шаклида тушган пул маблағлари кейинчалик фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварагига ўтказиш учун Халқ банки филиали томонидан маҳсус транзит ҳисобварагига ўтказилади. Халқ банки филиали жамғарib бориладиган пенсия бадаллари тушган кундан кейинги иш кунидан кечикмай маблағларни ҳосил бўлган мажбуриятлар миқдорида Халқ банкининг марказий операция филиалига ўтказади. Филиаллардан олинган маблағлар Халқ банкининг марказий операция филиали томонидан белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти харажатлари икки қисмга бўлинади. Биринчиси, фуқароларга қонунчиликка кўра пенсия ёшига етганларида улар учун очилган Халқ банкидаги шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларидан маблағларнинг тўланиши бўлса, иккинчиси, Халқ банки томонидан жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит

ресурслари сифатида, шу жумладан, молиявий воситаларга йўналтирилишидир.

Шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларидан жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олиш учун фуқаролар “Фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида тасдиқланган шакл бўйича Гувоҳнома бериш тўғрисидаги ариза билан жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қиласидар.

Жамғарib бориладиган пенсия тизимининг қатнашчиси бўлган ходим томонидан вакил қилинган иш берувчининг мансабдор шахси ариза берувчи бўлиши мумкин. Бу ҳолда ариза жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

4. Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигини таъминлаш. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларидан самарали фойдаланишдаги муаммолар ва уларнинг йечимлари.

Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигини таъминлашга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Жумладан:

- иш билан банд аҳоли сони;
- жисмоний шахслар иш ҳақиларининг миқдори;
- демографик жараёнлар;
- жамғарib бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда иштирок етувчилар учун рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги;
- Халқ банки томонидан жамғарib бориладиган пенсия маблағларига фоизлар тўланиши.

1. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши, ўз навбатида, жамғарib бориладиган пенсия маблағлари миқдорининг ошишига олиб келади. Чунки, амалдаги қонунчиликка кўра иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия тизимида иштирок етиши мажбурийдир.

2. Ўз навбатида, жисмоний шахслар иш ҳақилари миқдорининг ошиши ҳам пенсия маблағлари миқдорининг ошишига туртки бўлади. Сабаби, 2005-йил 1-январдан бошлаб фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақининг бир фоизи миқдорида амалга оширилиши белгиланган. Демак, жисмоний шахс иш

ҳақилари миқдори қанчалик юқори бўлса, жамғарib бориладиган пенсия тизимига ажратма миқдори ҳам шунчалик катта бўлади ва аксинча.

3. Демографик жараёнлар ҳам жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Сабаби, аҳоли сонининг ўсиши ҳам, ўз навбатида, истиқболда уларнинг меҳнат қилишлари евазига ойлик иш ҳақиларининг 1 фоизини жамғарib бориладиган пенсия тизимига ажратма қилиш имконини беради.

4. Жамғарib бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда иштирок етувчилар учун рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги ёки унга доир таъсирчан механизмнинг амал қилиши муҳим ҳисобланади. Чунки ана шундай омилларнинг мавжудлиги фуқароларни ихтиёрий равишда жамғарib бориладиган пенсия тизимида иштирок етиш имконини беради ва бу ҳол ушбу тизимнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

5. Маълумки, фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига мажбурий киритилган бадалларига инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда даромадлар қўшиб келинмоқда. Ўзбекистонда 2016-йилда инфляция даражаси 5,7 фоизни ташкил қилди¹⁸. Демак, Ҳалқ банки жамғарib бориладиган пенсия маблағларига ҳар йили 6-8 фоизгача даромад қўшиб боради. Қолаверса, ихтиёрий киритилган маблағларга 2011-йилдан бошлаб Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан (ҳозирда бу ставка йиллик 14 фоизни ташкил қиласди) юқори миқдорда даромадлар қўшиб келинмоқда. Бу ҳол Ҳалқ банки томонидан аҳолига қулай ва манфаатли бўлган хизматларни таклиф етадиганликни ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш орқали турмуш фаровонлигини янада юксалтираётганлигини кўрсатади.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

- Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг мазмуни ва манбаларини айтиб беринг
- Фуқаролар жамғарib бориладиган пенсия тизимида қандай тартибида иштирок етади
- Ҳалқ банки томонидан фуқароларга шахсий жамғариладиган пенсия маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўланиши нималарга боғлик.
- Шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисоб-варакларида маблағларни шакллантириш манбаларини изоҳлаб беринг.
- Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларини шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг иштирокини тушунтириб беринг

¹⁸ <http://www.cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/doklad-o-monetary-politike>.

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет еллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминотида қандай ҳуқуқиларга ега.

➤ Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок етувчи фуқаролар пенсия тўловларини қандай тартибда оладилар.

➤ Мавсумий ишларда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг амал қилишини изоҳлаб беринг.

➤ Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлашнинг қандай омилларини биласиз?

➤ Ўзбекистон пенсия тизимининг самарадорлигини ошириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайсиз.

➤ Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши жараёнидаги ўзига хос муаммоларни айтиб берингчи?

➤ Жамғариб бориладиган пенсия тизими самарадорлигининг пасайишига олиб келувчи қандай омилларни айта оласиз?

➤ Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти харажатларининг мазмунини изоҳлаб беринг.

➤ Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш қандай тартибда амалга оширилади.

➤ Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти харажатларининг таркиби ва тузилишини тавсифлаб беринг.

➤ Жамғариб бориладиган пенсия таъминотида пенсияларни ҳисоблаш ва тўлаш қандай тартибда амалга оширилади.

➤ Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкалари билан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд.

➤ Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи миқдори билан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб беринг.

➤ Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблиги деганда нимани тушунасиз.

➤ Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигини таъминлашга қандай омиллар таъсир кўрсатади.

➤ Иш билан банд аҳоли сони билан жамғариб бориладиган пенсия маблағлари миқдори ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд.

➤ Демографик жараёнлар жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигига қандай таъсир кўрсатади.

➤ Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда иштирок етувчилар учун қандай рағбатлантирувчи омиллар мавжуд.

➤ Фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия хисобваракларига мажбурий киритилган бадалларига инфляция омили қай даражада таъсир қўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992-йил 8-декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2-декабрдаги “Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2005-йил 23-сентябрдаги “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-декабрдаги “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида”ги 595-сонли Қарори.
8. Аллаяров Ш., Тошмухамедова Д. Давлат пенсия таъминоти. Ўқув кўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015. – 232 б.
9. Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К0», 2009. – 576 с.
10. Вахабов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: “Ношир”, 2012. – 676 б.
11. Вахабов А.В. Миллий пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш механизми ва амалга ошириш дастаклари. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “Иқтисод молия”, 2017. 11-16-б.
12. Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси // Молия. 2010. - № 4. 21-27-бр.
13. Влияние единого социального платежа на занятость и финансовые показатели предприятий в Республики Узбекистан. Аналитическая записка. УНДП Узбекистан. Ташкент – 2015. – С. 6

14. Голубева С.В. Развитие пенсионных систем зарубежных стран и России в условиях демографического старения: автореф дис.к.е.н. – М.: «Российский университет дружбы народов», 2008. – С. 6.

15. Давронов Ш.З. Развитие устойчивого накопительного пенсионного обеспечения в банковской системе Узбекистана. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “Иқтисод молия”, 2017. 120-121-б..

16. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – 288 р.

17. Зиядуллаев М.Ж. Пенсия таъминотидаги ислоҳотлар ва яратилган интерактив хизматлар. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “Иқтисод молия”, 2017. 19-21-б.

18. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 448 б.

З-мавзу: Жамғарib бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш истиқболлари (2 соат)

Режа

1. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш

2. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлаш, оқилона фойдаланиш ва бюджетининг баланслиигини таъминлаш

3. Жамғарib бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш

4. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги шароитида жамғарib бориладиган пенсия таъминоти фаолиятини такомиллаштириш

Калит сўзлар: жамғарib бориладиган пенсия маблағлари, техника ва жиҳозлаш, бюджет, инвестициялаш, молиявий барқарорлик

1. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш

Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, унинг қонуний-хуқуқий асосларини мустаҳкамлаш жараёни мустақиллика эришилгандан ҳозирга қадар энг долзарб йўналишлардан биридир. Ўзбекистонга собиқ Иттифоқ тизимидан мерос бўлиб қолган пенсия таъминоти тизими бозор иқтисодиёти

талабларига жавоб беролмайдиган, асосан, давлат бюджетидан молиялаштириладиган ижтимоий таъминот тизимиға айланниб қолган еди. Пенсия таъминоти тизимиғин ривожлантиришга қаратилған қонуний-хуқуқий базани мукаммал даражада ишлаб чиқиши мамлакатимизда умр давомийлиги ошиб бораётгандын бир даврда аҳолининг пенсия олувчи қисмини моддий таъминлашда ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигини оширишдаги мухум вазифалардан бириди.

Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимиғининг самарадорлиги кекса авлод вакилларининг фаровонлиги билан баҳоланади. Фаровонлик деганда, нафақат, кекса кишининг физиологик ҳолатини сақлаш, балки уни ривожлантириш, қариш жараёнида ижтимоий фаоллигини сақлаб туришни таъминловчи турмуш кечириш учун энг кам реал миқдорни назарда тутиш керак. Шунингдек, инсоннинг бутун ҳаёти давомида жисмоний, ижтимоий ва ақлий имкониятларини мақбуллаштириш жараёнини қўзда тутади. Бу инсон кекса ёшга етганида ҳам соғлом турмуш кечириш, ижтимоий жиҳатдан фаол ва юқори турмуш даражасига ега бўлишни давом еттириш мақсадини қўзлайди.

Бу борада олиб борилаётгандын ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўртбошимиз томонидан ишлаб чиқилған Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси соҳа тараққиётида янги саҳифа очди. Унинг асосий мақсади – олиб борилаётгандын ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини еркинлаштиришдан иборатдир¹⁹. Ушбу мақсаддага еришиш учун Ҳаракатлар стратегиясида “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиш қўзда тутилған бўлиб, жумладан “... фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, ... аҳолининг мухтоҷ қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш”²⁰ чоратадбирларини амалга оширишни назарда тутади.

Аҳолининг кексайиш жараёни Ўзбекистон учун ҳам хос бўлмоқда. Республикада кечаётгандын демографик жараёнларнинг замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида болалар салмоғининг камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва қариялар салмоғининг ошиб бораётгандигини кўрсатмоқда. Бу еса, ўз навбатида, истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, аҳоли кексайишининг ҳудудий ва гендер жиҳатлари ёътиборга олинган кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқиши талаб етади.

Пенсия таъминоти тизимиға бозор муносабатларининг тобора кенг кириб бориши келажакда фуқароларнинг қариликдаги моддий таъминотини

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига шарх. Манба:<http://www.aza.uz/>

²⁰ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 4.2-банд.

яхшилашга хизмат қилувчи бозор иқтисодиётининг бошқа, прогрессив унсурларини – корпоратив пенсия таъминоти ҳамда хусусий пенсия фондлари фаолиятини кенгайтиришни талаб етади. Бу еса пенсия таъминотининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга ва молиявий манбаларининг барқарорлигига олиб келади. Бу унсурлар, бир томондан, давлат пенсия таъминотига қўшимча равишда фуқароларга кексайганда муносиб турмуш шароитлари ва моддий фаровонликни таъминласа, иккинчи томондан, молия бозорининг кенгайишига олиб келади ҳамда молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг бозор механизмларини мустаҳкамлади.

Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизими мамлакатимиз фуқароларининг давлат пенсия таъминотига қўшимча равишда моддий таъминланишлари учун молиявий базани шакллантиришга, фуқароларимизнинг кексайгандаги фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, Халқ банкида жамғарib бориладиган пенсия тўловлари орқали тўпланган ва вақтинча бўш пул маблағлари инвестицион мақсадларда ишлатилиб, бу фаолиятнинг натижасида тизимнинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланмоқда. Бозор хўжалиги принципларининг тобора кенгроқ қарор топаётганлиги пенсия таъминотининг нодавлат шаклларини юзага келтиришга, пенсия таъминотида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини шакллантиришга, фуқароларнинг ижтимоий таъминланишида ижтимоий шерикликнинг шакл ва усусларининг кенгайишига шароит яратмоқда.

Тарақкий етган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда хусусий пенсия фондлари фаолиятини ташкил этишининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиши, пенсия тизимини ривожлантиришда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар пенсия тизими борасидаги тажрибаларини ўрганиш, улардан мамлакатимиз пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар ўтказиш, энг аввало, бозор муносабатлари талабларига жавоб берувчи янги қонунчилик базасини такомиллаштиришни талаб қилади. Шу муносабат билан қуйидагиларни ўз ичига оловчи қонунлар ишлаб чиқиши ва қабул қилиш лозим:

- нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва фаолият кўрсатиш тартибларини, уларнинг давлат ва жамият олдидаги жавобгарлиги, ушбу жамғармалар иштирокчилари билан давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиши;

- мамлакатдаги янги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга мос келувчи, бозор муносабатларининг талабларига жавоб берувчи ва ижтимоий таъминотнинг барча шаклларини ўз ичига оловчи “Ижтимоий таъминот Кодекси”ни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши.

Мамлакатда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши зарур бўлган пенсия таъминоти ва ижтимоий таъминотнинг қонунчилик базаси

республикамизнинг янги, ўзгарган ижтимоий-иктисодий шароитларини ҳисобга олиши, кексайгандан қўшимча ижтимоий ҳимояни таъминлаш учун етарли шароитлар яратиши, пенсия маблағларининг шаклланиш манбалари ва харажат йўналишларини аниқ белгилаши, еркаклар ва аёллар учун пенсияларни белгилаш шароитларини тенгглаштириши ёки жуда бўлмагандага яқинлаштириши, имтиёзли пенсияларни оқилона даражада қисқартирилишини ҳисобга олиши лозим.

2. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлаш, оқилона фойдаланиш ва бюджетининг баланслиигини таъминлаш

Бугунги кунда барча мамлакатлардаги жамғарib бориладиган ҳамда авлодлар бирдамлиги – тақсимловчи пенсия тизимлари жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий таъсирини сезмоқда. Бу таъсир, энг аввало, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ҳамда давлат бюджетининг дефицитлигига намоён бўлмоқда. Жаҳон банкининг прогноз маълумотларига кўра, 2060-йилга бориб, пенсионерларга хизмат кўрсатиш ва уларни қўллаб-куватлашга йўналтириладиган давлат харажатлари ўртача 5 ф.п.га ўсиб боради, пенсия таъминоти учун қўшимча равишда жаҳон ЯИМнинг 2,4 фоизи талаб етилади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айнан, пенсия тўловларининг ўсиши умумий миқёсда бюджет харажатларининг ўсишига олиб келади. Бу кўрсаткич Европа иттифоқи мамлакатларида ЯИМнинг 4 фоизини ташкил қиласиди²¹.

Ўзбекистонда 2004-йилда нодавлат пенсия таъминотини жорий қилиш бўйича дастлабки қадамлар ташланниб, ҳозирда шаклланган ва такомиллашиб бораётган жамғарib бориладиган пенсия тизими банк сектори билан ўзаро алоқада бўлиб, дунёдаги барқарор ва самарали жамғарib бориладиган пенсия тизимларидан бири ҳисобланади.

Жамғарib бориладиган пенсия тизимининг барқарорлиги фуқароларнинг даромад солиғи суммасидан тегишли равишида чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақининг бир фоизи миқдорида йиғилган маблағларнинг Халқ банки томонидан тақсимланиши ва қайта тақсимланишининг ташкил етилиши риск даражасининг нисбатан пастлиги билан баҳоланади. 2017-йилнинг 1-январ ҳолатига фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,2 фоизга ўсган. Халқ банкидаги фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия маблағларининг даромадлилиги мамлакатдаги расмий инфляция даражасидан юқоридир.

²¹ Давронов Ш.З. Развитие устойчивого накопительного пенсионного обеспечения в банковской системе Узбекистана. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “ИКТИСОД-МОЛИЯ”, 2017. 120-121-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 26-ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори асосида жамғариладиган пенсия тизимини ривожлантириш ва янада кенгайтириш тадбирлари белгиланди. Жумладан:

- фуқароларнинг ихтиёрий бадалларидан жамғаривор бориладиган пенсия тизимида тушувчи маблағларни кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан: а) Халқ банки томонидан жамғаривор бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда бадаллар киритувчи шахслар учун банк хизматларининг жозибадор турларини жорий қилиш (кредитлаш, банк хизматларининг жозибадор тарифларини тақдим этиш ва х.к.); б) жамғаривор бориладиган пенсия тизимида маблағларни узок муддатга жойлаштиришнинг афзалликлари, қонунчилик билан тақдим этилган солиқ имтиёzlари, жойлаштирилган маблағларнинг даромадлилиги ва қайтариш кафолатлари тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;
- тижорат банклари орқали жамғаривор бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ва йирик ишлаб чиқариш инфратузилма обьектларида амалга оширилаётган стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини қўшма молиялаштиришни, шу жумладан, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг валютавий кредитлари ҳисобидан қўшма молиялаштиришни кенгайтириш;
- жамғаривор бориладиган пенсия тизими ресурс базасини кенгайтириш ва жойлаштирилаётган маблағлар портфелини диверсификациялаш мақсадида жамғаривор бориладиган пенсия тизимининг вақтинча бўш турган пул маблағларини тижорат банклари ва молиявий жиҳатдан барқарор бўлган йирик корхоналарнинг юқори ликвидли молиявий воситаларига (депозитлар, облигациялар) йўналтириш, фуқароларнинг шахсий жамғаривор бориладиган пенсия ҳисобрақмларига маблағларни киритиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида иш берувчилар томонидан тақдим этиладиган електрон реестрларни узатиш ва қайта ишлаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг қўшма Қарори асосида 2006-йил 7-октябрда тасдиқланган “Жамғаривор бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида Халқ банки томонидан жамғаривор бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан, молиявий воситаларга жойлаштирилмоқда. Банк тизимида асосланган жамғаривор бориладиган пенсия тизими фуқароларнинг жамғариладиган пенсия маблағларининг сақланиши ва унинг янада кўпайтирилишини таъминлаб, бир вақтнинг ўзида ушбу маблағларнинг кредит сифатида

берилиши ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар ҳажмини оширишни рафбатлантироқда.

Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларининг даромадлилигини таъминлаш мақсадида қолдиқ маблағлари иқтисодиётнинг қўйидаги тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда: енергетика ва нефт-газ тармоғига – 35-40%; химия ва кончилик тармоғига – 4-6%; енгил саноат ва қурилишга – 28-32%; қишлоқ хўжалиги ва машинасозликка – 4-5%; соғлиқни саклаш ва илм-фанга – 4-5%; портфел ва реал инвестицияларга – 10-15%.

Хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, пенсия жамғармаларининг маблағлари инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ушбу маблағлар ўз хусусиятига кўра “узун пуллар” бўлиб, уларни инвестицияларни молиялаштириш учун жалб қилиш трансформация рискини камайтиради. Шунинг учун иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш янада фаоллаштирилаётган ҳозирги шароитда пенсия жамғармаларини инвестицияларга самарали трансформация қилиш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

3. Жамғарib бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш

Маълумки, 1993-йил 3-сентябрдаги “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-декабрдаги “Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 595-сонли Қарорини ижро этиш юзасидан Халқ банки ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жамғарib бориладиган пенсия тизими амалда жорий етилди. Республиканинг барча минтақаларидаги Халқ банки бўлимларида хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдимномаси бўйича фуқаролар учун якка тартиbdаги жамғарib бориладиган пенсия ҳисобвараклари очилган, шахсий жамғарib бориладиган пенсия дафтарчалари берилмоқда, жамғарib бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишнинг электрон маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

2005-йил 28-июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамғарib бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-110-сонли Қарорининг қабул қилинишидан мақсад:

- жамғарib бориладиган пенсия тизимининг барқарор ишлашини ва техника билан тегишли даражада жиҳозланишини таъминлаш;
- жамғарib бориладиган пенсия тизимининг барқарор ишлаши учун Халқ банкини босқичма-босқич замонавий компьютер техникаси ҳамда

дастурлари билан таъминлаш тадбирлари ва харажатларнинг прогноз кўрсаткичлари дастурини маъқуллаш;

– тегишли органлари томонидан фуқароларнинг шахсий кодини бериш, айrim хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, фермер хўжаликлари томонидан ходимларни жамғарib бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун Халқ банки филиалларига маълумотлар тақдим етиш ишларини талаб даражасида ташкил етиш;

– аҳоли ўртасида жамғарib бориладиган пенсия тизимининг афзалликлари тўғрисидаги тушунтириш ишларини олиб боришни фаоллаштириш, жумладан, пенсия жамғармаларини фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари ҳисобига емас, балки давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағлардан ажратмалар ҳисобига шакллантириш механизми ва хусусиятларини тўлиқ ёритиш;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Халқ банки билан биргалиқда иш берувчилар томонидан фуқароларнинг якка тартибдаги жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси юридик шахслар томонидан мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг тўғрилиги, тўлиқ ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши ҳамда фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига қўшилиши устидан назорат ўрнатишдан иборат.

Ушбу Қарор фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига мажбурий бадаллар жисмоний шахслар даромад солиғининг бюджетга йўналтириладиган бир қисми ҳисобидан амалга оширилиши ҳамда бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловларга тенглаштирилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, 2005-йилнинг 1-июлидан бошлаб барча юридик шахслар фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига бадаллар ажратишни жисмоний шахслар даромад солиғини бюджетга белгиланган шакл ва муддатларда тўлаш билан бирга амалга оширадилар.

Мазкур Қарорда тегишли идоралар томонидан аҳоли ўртасида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг механизми ва афзалликлари тўғрисидаги тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини доимий асосда амалга ошириб бориш, бунда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларидағи маблағларни бюджетга ажратмаларни камайтириш ҳисобига шакллантириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг манфаатларини камситмайдиган тартибига алоҳида еътибор бериш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг принципиал хусусиятлари ҳамда уни жорий етишнинг ижобий тажрибасини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлиги белгилаб олинди.

Халқ банки ва унинг филиаллари раҳбарлари зиммасига ҳарид қилинаётган компьютер техникасининг сақланиши ва мақсадга мувофиқ фойдаланилиши учун шахсий жавобгарлик ҳам юклатилди.

4. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги шароитида жамғарib бориладиган пенсия таъминоти фаолиятини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Республика банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010-йил 26-ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорида белгиланган комплекс чора-тадбирларида жамғарib бориладиган пенсия тизимини янада кенгайтиришга алоҳида еътибор қаратилган. Ушбу Қарорга мувофиқ, пенсия жамғармасига ихтиёрий бадалларни амалга оширувчи шахсларга банк томонидан қўшимча хизматлар жорий қилиш ва қулайликлар яратиш, жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини тижорат банклари орқали стратегик инвестицион лойиҳаларга йўналтириш, солиқ имтиёзларини бериш, манбаларнинг даромадлилигини таъминлаш кўзда тутилган.

Фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига мажбурий ойлик бадаллар миқдори ходимнинг ҳисобланган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида белгиланган. Фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига бадалларни ҳисоблаш мақсади учун ходимнинг иш ҳақи деб, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилиши лозим бўлган жами даромад тушунилади. Мехнат шартномаси бўйича меҳнат фаолиятини амалга оширувчи барча фуқаролар (шу жумладан ишлаётган пенсионерлар) жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олувчи сифатида жамғарib бориладиган пенсия тизимида иштирок етувчилар ҳисобланади. Халқ банки жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин. Бу ишни Халқ банки амалга оширади. Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, пенсия тизимини такомиллаштириш меҳнатга ҳақ тўлаш, солиқ тизими, меҳнат бозорининг ҳолати ва молия бозори билан узвий боғлиқ муаммо ҳисобланади. Ушбу муаммони мамлакатдаги демографик вазият, ишсизлик, мамлакат аҳолисининг табиий ўсиши ва умр кўришнинг ўртача ёшининг ортиши билан боғлиқ бўлган масалалардан айри ҳолда ҳал етиб бўлмайди. Шунингдек,

ишлаётганлар сонининг қисқариши, давлат бюджетининг харажатлар қисмида ижтимоий соҳа харажатларининг ортиши, ахолининг меҳнатга қобилиятли қисмига тушадиган оғирликнинг қўпайиши, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия жамғармаси маблағлари шаклланиши аксарият қисмининг иш берувчилар томонидан тўланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви жараёнида ишловчилар иш ҳақи даражасининг ортиши ва мутаносиб равищда, қарилекни сугурталашдаги улушкининг ортиб бориши жорий пенсия тўловларида камомадни вужудга келтириб, амалдаги пенсия таъминотини молиялаштиришнинг ислоҳ етилишини тақозо етмоқда.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимиning шаклланиши ва ривожланиши мамлакатимизда нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантиришга қаратилган чораларнинг амалий ифодаси бўлиб, фуқароларга давлат томонидан кафолатланган пенсия таъминотига қўшимча равищда кексалиқда улар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи, шу билан бирга, замонавий бозор елементларини ўзида мужассамлаштирган молиявий институтларнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда амал қилиб келаётган ва фуқароларнинг ижтимоий ва пенсия таъминоти борасидаги хукуқ ва манфаатларини таъминлаш учун хизмат қилаётган жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими олдида қатор долзарб масалалар турибди. Бу вазифаларнинг бажарилиши қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- фуқароларга пенсия хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш, уларга интерактив хизматлар доирасини кенгайтириш орқали фуқаролар мурожаатларини камайтириш;
- Халқ банкининг моддий-техника базасини янада яхшилаш орқали қулай иш шароитларини яратиш ва хизматлар сифатини янада ошириш;
- пенсия таъминоти назоратининг самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- тизимга янги ахборот-коммуникацион технологияларини жорий қилиш йўли билан тармоқлараро интеграциялашган ягона ахборот маконини яратиш орқали ахборот алмашинувини яхшилаш, маълумотларнинг тезкорлигини ошириш ва шу асосда тизим маблағларини оқилона бошқариш;
- жамғариб бориладиган пенсия маблағларидан инвестиция ва кредит сифатида фойдаланишини такомиллаштириш.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

- Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш бўйича қандай тавсиялар бера оласиз.
- Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича қандай чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутилган.

- Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлашнинг қандай омиллари мавжуд?
- Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларидан оқилона фойдаланиш деганда нимани тушунасиз.
- Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти бюджетининг баланслилигини таъминлашни қандай изоҳлайсиз.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 26-ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарорида жамғариладиган пенсия тизимини ривожлантириш ва янада кенгайтиришнинг қандай тадбирлари белгиланган.
- Пенсия тизимини ислоҳ етишнинг хориж тажрибаларини биласизми?
- Пенсия ёшидаги ахолининг боғлиқлик коеффициенти (65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг 15-64 ёшдаги ишчи кучига нисбати) тўғрисида нималарни биласиз?
- 2005-2006 йилларда жамғарib бориладиган пенсия тизимининг барқарор ишлаши учун Халқ банкини босқичма-босқич замонавий компьютер техникаси ҳамда дастурлари билан таъминлаш тадбирлари ва харажатларнинг прогноз кўрсаткичлари дастури тўғрисида нималарни биласиз.
- Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестицион йўналишида фойдаланишда мавжуд бўлган рискларни камайтиришда нималарга еътибор қаратиш лозим
- Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизими олдида қандай долзарб масалалар турибди.
- Интерактив хизматлар деганда нимани тушунасиз.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 23-августидаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 181-сонли Қарорининг мазмун-моҳиятини биласизми?
- Интерактив давлат хизмати деганда нимани тушунасиз.
- Интерактив давлат хизмати қандай шаклларда кўрсатилади.
- Бугунги қунда давлат органларининг веб-сайтлари орқали аҳолига қанақа интерактив давлат хизматлари кўрсатилмоқда.
- Халқ банкининг жамғарib бориладиган пенсия тизими иштирокчилари учун “СМС-хабарнома” хизматининг мазмун-моҳияти ва афзалликлари хусусида нималарни биласиз?
- Фуқароларга пенсия таъминоти борасида янада қулайликлар яратиш мақсадида қанақа давлат интерактив хизматлари амалиётга жорий етилган.

➤ Фуқаролар томонидан “СМС-хабарнома” хизматига уланиш қандай амалга оширилади.

➤ Фуқароларга “СМС-хабарнома” хизматини кўрсатишдан асосий мақсад нима?

➤ “СМС-хабарнома” тизимининг ишлаш тартибини биласизми? Халқ банки томонидан жамғариб бориладиган пенсия тизимида жорий қилинган интерактив хизматларни изоҳлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992-йил 8-декабр.

тизимиға кирмайды:	марказлари; ногиронлар ва қариялар учун «Муруват» ва «Саховат» уйлари; Уруш ва меҳнат фахрийлари учун санатория ва пансионатлар	ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари; туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари	бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	агентлиги ҳамда чет елга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш маркази; фуқароларни чет елларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бүрорлар
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ҳайъатининг шахсий таркиби ким томонидан тасдиқланади?	Вазирнинг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан	Вазирнинг тақдимномасига кўра Молия вазирлиги томонидан	Президентнинг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан	Вазирлар Маҳкамаси Раиси тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан
Пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш қайси орган томонидан амалга оширилади?	Пенсия жамғармасининг тегишли худудий бўлинмалари томонидан	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан	Пенсия жамғармаси томонидан	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли худудий бўлинмалари томонидан
Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси қандай асосий вазифаларни бажармайди?	Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ғазна ижросини ташкил этиш	Пенсиялар ҳамда бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил қилиш, улар бўйича ҳисоб ва хисоботни юритиш	Қонун хужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорлари қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш	Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш
Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминотини маблағ билан таъминлаш манбалари қайсилар?	Давлат бюджети	Давлат бюджети, Пенсия жамғармаси	Давлат бюджети, Пенсия жамғармаси, жамғарип бориладиган пенсия тизими	Давлат бюджети, Бандлик жамғармаси

Харбий хизматчиларнинг давлат пенсия таъминоти қайси манбадан амалга оширилади?	Давлат бюджети	Давлат бюджети, Пенсия жамғармаси	Давлат бюджети, Пенсия жамғармаси, жамғариб бориладиган пенсия тизими	Давлат бюджети, Бандлик жапмғармаси
Ёшга доир пенсияни хисоблаш учун пенсияларнинг базавий микдорлари қандай белгиланади?	Пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан кам емас	Пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизидан кам емас	Пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизидан кам емас	Пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизидан кам емас
Бокувчисини йўқотганлик пенсиясини хисоблаш учун пенсияларнинг базавий микдорлари қандай белгиланади?	Оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқациз аъзосига — пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи микдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам емас	Оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқациз аъзосига — пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи микдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизидан кам емас	Оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқациз аъзосига — пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизи микдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 40 фоизидан кам емас	Пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи микдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизидан кам емас
Ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб қилинадигандан ортиқ иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг базавий микдорлари қанчага оширилади?	Пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 2 фоизига	Пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1,5 фоизига	Пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизига	Пенсияни хисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 2 фоизига
Бугунги кунда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси қайси вазирлик ҳузурида ташкил этилган.	*Молия Вазирлиги	Вазирлар маҳкамаси	“Нуроний” жамғармаси	Давлат мулк қўмитаси
Ўзбекистон Республикасида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси қачон ташкил этилган?	1996 йил 27 декабрда	1994 йил 1 августда	1997 йил 26 апрелда	2000 йил 31 декабрда
Пенсия жамғармаси даромад манбалари нотўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.	Фуқароларнинг иш ҳакидан сугурта бадаллари, корхона, ташкилот ва муассасалар товар(иш, хизмат)	Алоҳида юридик шахслардан ижтимоий сугурта бадаллари, юридик шахс мақомини олмасдан	Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок етuvchi фуқароларнинг	Мулк шаклидан қаъти назар, юридик шахс мақомида бўлган хўжалик субъектларинин

	ларининг реализацияси хажмидан ажратмалар	тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан Ижтимоий суғурта бадаллари	шахсий жамғарib бориладиган пенсия хисобвараклари дан ихтиёрий үтказмалар	г иш ҳақига нисбатан ўрнатилган ягона ижтимоий тўлов
2013 йилда ягона ижтимоий тўлов микдори қанчани ташкил етади?	Мехнат ҳақи фондидан 25%	Хўжалик субъекти соф фойдасидан 4,5%	Мехнат ҳақи фондидан 24%	Товар(иш, хизмат) лар реализацияси хажмидан 1%
2013 йилда фуқароларнинг Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадали ставкаси тўғри кўрсатилган жавобни топинг.	4%	5%	6%	5,50%
Пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар ва ажратмалар йиғилишини таъминлашни, шунингдек, ушбу маблағларнинг жамғармага тўлиқ тушиши устидан назоратни қайси орган амалга оширади?	Пенсия жамғармасининг туман (шахар) бўлими	Молия Вазирлиги	Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	Солик Кўмитаси
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг асосий йўналишлари нотўғри кўрсатилган жавоб:	2 ёшгача болали ишламайдиган оналарга нафақалар	Фуқароларга ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинланадиган пенсиялар	Болаликдан ногиронларга, давлат пенсия таъминоти ҳукуқига ега бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқаиз фуқароларга нафақалар	Дафн маросимлари учун нафақалар
Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш худудий бош бошқармаси қайси органга бўсунади ва хисобот беради?	Тошкент шаҳар ҳокимлигига ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига	Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига	Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ҳайъатига	Тошкент шаҳар ҳокимлигига ва Молия бошқармасига
Вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш қандай амалга оширилади?	Вазирлик билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси томонидан	Вазирлик билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси томонидан	Тегишли ҳокимлар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси Раиси томонидан	Тегишли ҳокимлар билан келишган ҳолда Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим – ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўнкима ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир. Шунингдек, талаба мустақил иши – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўнкима ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил иши – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иши - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил таълимнинг асосий *мақсади* педагог-ходимнинг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равиша бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир. Мустақил таълим олишда талаба ўзи мустақил равиша ўқув адабиётлари, дарсликлар, газета ва журналлар, радио ва телевидение, електрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, интернет ресурслари, ЗиёНЕТ материаллари ва ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланиши назарда тутилади.

Мустақил таълимнинг *вазифалари* қуйидагилардан иборат: керакли маълумотларни излаб топиш, қулай усуслари ва воситаларини аниклаш; ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш; анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий хужжатлар билан ишлаш; електрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш; янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига ега бўлиш; интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш, берилган топшириқнинг рационал йечимини белгилаш; маълумотлар базасини таҳлил этиш; иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш, топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш; ишлаб чиқилган йечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

Мустақил ишининг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:
 - а) информатив (рефератлар – конспектлар);
 - б) индикатив (рефератлар – резюме (қисқача мазмун)

2.Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзуу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;
- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф холосаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қўйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

– ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

– танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

– танланган мавзуу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли холоса ва таклифлар қилиш;

– ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришdir.

“Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

– хуқукий-меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

– тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;

– автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

“Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти” бўйича МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоянинг мазмuni ва унинг фарқли жиҳатларини жадвал асосида изоҳлаб беринг.
2. Жаҳонда жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг шаклланиши ва Ўзбекистонда жамғарib бориладиган пенсия тизимининг ўзига хос жиҳатлари бўйича жадвал тайёрланг.
3. Бугунги кунда Ўзбекистонда жамғарибо бориладиган пенсия тизимининг давлат ижтимоий ҳимоя тизимида тутган ўрнини тавсифловчи маълумотлар асосида жадвал тайёрланг.
4. Мавзу бўйича глоссарий тузинг.
5. Илмий адабиётлар ва интернет материаллари асосида жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тизимининг тавсифига оид қуидаги жадвални тўлдиринг:

№	Мезон	Афзаллиги	Камчилиги
1.	Демографик омил		
2.	Давлат ва хусусий компонентларнинг мутаносиблиги		
3.	Миллий иқтисодиётга боғлиқлиги		
4.	Давлат бюджети билан ўзаро боғлиқлиги		
5.	Аҳолининг хабардорлиги даражаси		
6.	Пенсия микдори		
7.	Пенсия микдоридаги фарқ		

6. Ўзбекистон Республикасининг пенсия тизимининг еволюциясини қуидаги жадвални тўлдириш орқали изоҳланг

Йил	Жараён
1993-2000	
2011-2005	
2006-2010	
2010-2015	
2016-2017	

1. Ўзбекистондаги жамғаріб бориладиган пенсия таъминотининг қонуний асосларини тушунтириб беринг.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти түғрисида”ги Қонунининг аҳамияти” мавзусида чизма тайёрланг ва изоҳ ёзинг.

3. «Давлат бандлик сиёсати ва жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти тараққиёти» мавзусида 1000 сўзлик ессе ёзинг.

4. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти ташкил етишнинг тартибга солиш механизмини тушунтиринг.

5. Мавзу бўйича глоссарий тузинг.

6. Жамғаріб бориладиган пенсия тизимини тартибга соловчи хуқукий-меъёрий ҳужжатларга асосан қуидаги жадвални тўлдиринг:

Қабул қилинган хуқукий ҳужжатлар номи	Қабул қилинган йили	Асосий мазмуни

1. Хорижий давлатлар жамғаріб бориладиган пенсия таъминотининг шакллари ва усуулларидан фойдаланиш.

2. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти фаолият механизмининг шакл ва усуулларидан фойдаланган ҳолда, пенсия таъминотини яхшилаш бўйича тақдимот тайёрланг.

3. “Ўзбекистонда жамғаріб бориладиган пенсия тизимининг тактикаси ва стратегияси” мавзусида чизма тайёрланг ва изоҳланг.

4. Мавзу бўйича глоссарий тузинг.


1. Хорижий давлатларда жамғаріб бориладиган пенсия таъминотини бошқариш ва назорат қилиш амалиёти мавзусида реферат тайёрланг.

2. Жамғаріб бориладиган пенсия таъминоти назорат қилиш бўйича таҳлилий иш бажаринг.

3. Жамғаріб бориладиган пенсия тизимида иштирок етувчи субъектларнинг иштирокига оид жадвални тўлдиринг



4. Қуидаги чизмани тўлдиринг:



5. Мавзу бўйича глоссарий тузинг.

1. “Жамғарыб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари барқарорлигини таъминлаш” мавзусида реферат ёзинг.
2. “Халқ банки томонидан шахсий жамғарыб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари бошқариш” мавзусида кейс стади тузинг.
3. Жамғарыб бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг манбалари, динамикаси ва таркибий тузилишини таҳлил қилиш асосида таҳлилий иш бажаринг.
4. Мавзу бўйича глоссарий тузинг.
5. 2018-йилдаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ставкалари бўйича жадвални тўлдиринг.

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорда	
Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан (+1 сўм) беш бараваригача миқдорда	
Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	
Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	

1. Қўйидаги масалани бажаринг:

Ташкилот ходими А.А.Алиев ушбу ташкилотда 2004 йилнинг 1 апрелидан ишлайди (умумий иш стажи 8 йилдан ортиқ). Даромад солиғи бўйича энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида имтиёзга ега (хизматни Афғонистон Республикасида вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган). Ходимга январ ойида жами 2184000 сўм миқдорида даромад ҳисобланган (жумладан, лавозим маоши—956000 сўм, лавозим маошига устами 50 % —478000 сўм, 2015 йилнинг тўртинчи чораги учун мукофот—750000 сўм). Йилнинг январ ойи учун А.А.Алиевнинг имтиёзи миқдори 520960 сўмни ташкил етади (130240x4). Январ ойи учун юқоридаги имтиёзни ҳисобга олган ҳолда А.А.Алиевнинг солиқ солинадиган даромаднинг суммаси 16663040 сўмни ташкил етади (2184000-520960).

1- топшириқ. Январ ойи учун ундирилиши лозим бўлган солиқ миқдорини топинг.

2-топшириқ. А.А.Алиевнинг январ ойи учун шахсий жамғарид бориладиган пенсия ҳисобваракларига (ШЖБПХ) ўtkазилиши лозим бўлган мажбурий пенсия бадаллари суммасини топинг.

1. Жамғарид бориладиган пенсия таъминоти даромадлари ва харажатлари назорати бўйича тақдимот тайёрланг.

2. “Жамғарид бориладиган пенсия таъминоти фаолиятини назорат қилиш” мавзусида 1000 сўзлик ессе ёзинг.

3. Молиявий назоратнинг турлари, шакллари ва усуулларига “нилуфар гули” усули орқали чизма тайёрланг.

4. Жамғарид бориладиган пенсия таъминоти фаолиятини назорат қилишнинг иқтисодий мазмунини

5. Жамғарид бориладиган пенсия таъминоти назоратида дастлабки, жорий ва якуний назорат вазифаларини тушунтириинг.

6. Халқ банки ва Давлат солиқ қўмитаси биргаликда амалга оширувчи молиявий назорат механизмини изохловчи чизма тайёрланг.

7. Мавзуга тегишли атамаларнинг мазмунини изоҳловчи глоссарий тайёрланг.

1. “Ўзбекистонда жамғарib бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш истиқболлари” мавзусида слайдлар тайёрланг ва тушунтиринг.

2. “Фуқароларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия таъминоти” мавзусида реферат ёзинг.

3. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти такомиллаштириш бўйича ишланма тайёрлаш ва тақдимот қилинг.

4. Ўзбекистон молия бозоридаги портфел инвестицияларга мувофиқ инвестициялар йўналишларини тақсимлаш мезонлари

5.

Инвестицион портфелнинг мақсади	Акциялар, %	Облигациялар, %	Пул резервлари, %
Капитални асраб қолиш	10	55	35
Жорий даромадлиликка еришиш	30	60	10
Узоқ муддатли ўсиш	70	25	5
Даромадлиликни ошириш ва истиқболларини таъминлаш	40	50	10
Чайқовчилик	50	35	15

Юқоридаги жадвалда келтирилган портфел тақсимотлари ичida қайсиниси енсия таъминотига жалб етилиши энг мувофиқ еканлигини, қайсинисининг рисклилиги энг паст, қайсиниси энг юқори еканлигини изоҳланг. Ривожланган мамлакатлар пенсия фондларида портфел тақсимоти қандай нисбатларда еканлигини мисоллар билан тушунтиринг. Мавзу юзасидан асосий тушунчалар тавсифини келтиринг.

1) Мустақил таълим мавзулари

“Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти;

2. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг ахолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги роли;

3. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг хуқуқий-меъёрий асослари;

4. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши;

5. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларининг сарфланиши;

6. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотининг назорати;
7. жамғарib бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш истиқболлари.
8. Жамғарib бориладиган пенсия таъминотидаги ўзига хос муаммолар ва ушбу тизим тараққиёти масалалари.
9. Жамғарib бориладиган пенсия тизимининг сиёсати, тактикаси ва стратегияси.
10. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти – давлат пенсия таъминотининг таркибий қисми сифатида.
11. Мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлашда жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари.
12. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки тизимининг жамғарib бориладиган пенсия таъминотини бошқаришдаги ўрни, аҳамияти, функциялари ва вазифалари.
13. Жамғарib бориладиган пенсия тизимининг бошқарув органлари, уларнинг ваколатлари, хуқуқ ва мажбуриятлари.
14. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти фаолиятини такомиллаштириш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланирши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Аҳоли	Population	Населения	Ер юзида ёки унинг муайян худуди, қитъа, мамлакат, туман, шаҳарида истиқомат қилувчи одам (инсон) лар мажмуи. Аҳолини тадқик этиш билан маҳсус фан – демография шуғулланади
Бандлик	Employment	Занятость	Аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши
Бюджет	Budget	Бюджет	(ингл. budget – ҳамён, маблағ) – Белгиланган муддат учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ҳамда қонуний равишда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси
Даромад	Incomes	Доходы	Кенг маънода кирим бўлган ҳар қандай пул маблағлари ёки пул кийматига ега бўлган моддий бойликларни олиш, иқтисодий субъект ўз фаолияти натижасига кўра оладиган пул ва товар – моддий тушум. Даромад пул ва моддий шаклга эга бўлиб,

			уларнинг йиғиндиси жами даромадни ҳосил қиласи.
Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш	Social protection of the population	Социальная защита населения	Давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.
Аҳолининг реал даромадлари	The real incomes of the population	Реальные доходы населения	Нарх даражаси ўзгаришини хисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.
Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти	Accumulative pension provision	Накопительное пенсионное обеспечение	Фуқароларни шахсий жамғарib бориладиган пенсия хисобвақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш.
Жамғарib бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари	Accumulative voluntary pension contributions	Добровольные накопительные пенсионные взносы	Шахсий жамғарib бориладиган пенсия хисобварагига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари.
Баркарорлик	Stability	Стабильность	Ходиса ва жараёнларнинг амал қилиши ҳамда ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати
Жамғарib бориладиган мажбурий пенсия бадаллари	Accumulative compulsory pension contributions	Обязательные накопительные пенсионные взносы	Шахсий жамғарib бориладиган пенсия хисобварагига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари.
Жамғарib бориладиган пенсия бадалларини киритувчи	Includes accumulated pension contributions	Вкладчик накопительных пенсионных взносов	Жамғарib бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс.
Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағлари	Funds of the accumulative pension system	Средства накопительной пенсионной системы	Халқ банкидаги шахсий жамғарib бориладиган пенсия хисобвақларида жамланадиган маблағлар йиғиндиси.
Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти олиш хуқуқи	The right to receive accumulative pension benefits	Право на получение накопительных пенсионных пособий	Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғарib бориладиган пенсия таъминоти олиш хуқуқига эга.
Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти бўйича давлат кафолатлари	Government guarantees for accumulative pension provision	Правительственные гарантии для накопительного пенсионного обеспечения	Давлат жамғарib бориладиган пенсия тизимида иштирок етuvchi фуқароларга шахсий жамғарib бориладиган пенсия хисобвақларида жамғарилган маблағлари сакланиши ҳамда тўланишини кафолатлади.
Давлат бюджети	State budget	Государственный	Давлат даромадлари ва

		бюджет	сарфларининг молиявий режаси.
Даромад солиги	Income tax	Подоходный налог	Фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солик).
Даромад солиги ставкалари	Income tax rates	Ставки налога на прибыль	Аҳоли даромадларидан табакалаштирилган ҳолда олинадиган соликларнинг фоизлардаги даражалари.
Диверсификация	The diversification	Диверсификация	(лотинчадан diversus - ҳар хил ва facere - қилмоқ, бажармоқ) – Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.
Интерактив давлат хизмати	Interactive public services	Государственные интерактивные услуги	Идоралар томонидан идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатилидиган хизматлар.
Инвестиция	Investment	Инвестиции	(лот. investio – ўраш) – Иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатида ёки хорижда турли тармоқларга, ижтимоий-иктисодий дастурларга, инновация, тадбиркорлик лойиҳаларига узоқ муддатли капитал киритиш (кўйиш). Пулнинг вақтга боғлиқ қиймати назариясига кўра, инвестиция келажакда наф олиш мақсадида маблағлар кўйишидир.
Иш билан банд бўлган шахснинг иш стажи	Qualifying years of employed person	Опыт работы профессиональной занятости	Ўзбекистон Республикаси давлат солик органлари томонидан тақдим етиладиган маълумотлар асосида Пенсия жамғармаси бўлимининг сугурта бадаллари тўланганинги тасдиқлайдиган маълумотномаси бўйича белгиланади.
Ишсизлик даражаси	Unemployment rate	Уровень безработицы	Ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори ёшдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, фаол иш кидираётганлар, ишни бошлишга тайёр турганлар ишсизлар деб аталади
Иш ҳақи	Salary	Зарплата	Жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар хисобланган

			суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва иккى қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.
Ишлаб чиқариш	Production	Производство	Маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати
Иқтисодий фаол аҳоли	The economically active population	Численность экономически активного населения	Ўз иш кучини товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун тақдим этган доимий аҳолининг бир қисми (аёллар, эркаклар) бўлиб, улар банд аҳоли ва ишсизларга бўлинадилар.
Иқтисодиётнинг реал сектори	The real sector of the economy	Реальный сектор экономики	Иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, кишлек хўжалиги, курилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади
Иш стажи	Qualifying years	Стаж работы	Мехнат дафтарчаси ва иш жойидан, хизматдан, ўқишидан ёки архивдан берилган бошқа хужжатлар бўйича аниқланган, ишдаги танаффуслардан қатъи назар, қонун хужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти хукукини берадиган меҳнат фаолияти ва бошқа фаолиятнинг умумий давомийлиги.
Ижтимоий таъминот	Social security	Социальное обеспечение	Кексайган, меҳнатга лаёқатиз бўлган ва бокувчисини йўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий-иктисодий тадбирлар тизими. Ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоги.
Ижтимоий ҳимоя	Social protection	Социальная защита	Кенг маънода – мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда карор топган хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи; тор маънода – давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий ахволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги.

Ижтимоий ёрдам	Social assistance	Социальная помощь	Давлат ва жамиятнинг қарилиги, соғлиги, ижтимоий аҳволи, тирикчилик учун воситалар билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга муҳтож фуқаролар тўғрисида ғамхўрлиги. Ижтимоий ёрдам пенсиялар, нафақалар тўлаш, кам таъминланган оиласаларга моддий ёрдам кўрсатиш, 16 ёшгача фарзанди бўлган кам таъминланган оиласаларга ойлик нафақа тўлаш, беморлар ва кексаларга хизмат кўрсатиш, болаларга ғамхўрлик қилиш кўринишида амалга оширилади.
Ижтимоий сугурта	Social insurance	Социальное страхование	Давлат томонидан жорий етиладиган, назорат қилинадиган ва кафолатланадиган кексалар, меҳнатга лаёқацизларни таъминлаш, ёрдам кўрсатиш тизими. Меҳнатга лаёқацизларни моддий таъминлашнинг қатъий кафолатли тизими ижтимоий сугуртани билдиради
Капитал бозори	Capital market	Рынок капитала	Бўш турган пул маблағларини тўплаш, уларни ссуда капиталига айлантириш, сўнгра уни ишлаб чикариш жараёнлари иштирокчилари ўртасида таксимлаш муносабатлари; қимматли қофозлар, корхоналарнинг акциялари ҳамда давлат облигациялари билан олдисотди операциялари олиб борилади.
Маблағларни жойлаштириш	Placement of funds	Размещение средств	Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштиришда фойдаланиш.
Меҳнат дафтарчаси	Employment history	Трудовая книжка	Иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат.

Мониторинг	Monitoring	Мониторинг	Маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболини белгилаш. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш соҳасида кўлланиладиган мониторинг берилган ссуда (карз)ни қоплаш ва унга фоиз тўлаш жараённинг бориши устидан назорат қилишда намоён бўлади.
Пенсия	Pension	Пенсия	(лот. pension – тўлов) – Фуқароларга давлат ёки бошқа субъектлар томонидан қонунда белгиланган ҳолларда мунтазам ва, одатда, умрбод тўланадиган тўловлар. Ижтимоий таъминот шакли ҳисобланади.
Пенсия миқдори	Pension amount	Размер пенсии	Иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, пенсиянинг таянч миқдоридан, иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан, пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан таркиб топади.
Суғурта	Insurance	Страхование	1) Табиий оғатлар, ҳар хил баҳзиз ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ва бошқа пул қопламалари тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими; 2) Юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини химоя қилиш.
Фуқароларни шахсий ҳисобга олиш	Citizens' personal identification	Личный идентификатор граждан	Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ҳар бир қатнашчиси тўғрисидаги маълумотларни ташкил этиш ва уларнинг ҳисобини юритиш.
Фоизли даромадлар	Interest earnings	Процентные доходы	Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамғариб бориладиган пенсия тизимига маблағларни жойлаштириш натижасида олинган ва фуқароларнинг пенсия жамғармасидаги маблағлари колдигига қўшиладиган даромадлар

Шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобварағи	Personal accumulative pension account	Индивидуальный накопительный пенсионный счет	Фуқаронинг Халқ банкидаги егаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғаріб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғаріб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.
Қимматли қофозлар	Securities	Ценные бумаги	1) Ўз егасига мулкка егалик хуқуқини ва даромад кўринишида муайян пул суммасини олиш хуқуқини берадиган пул ёки товар хужжатлари (акция, облигация, аккредитив, вексел, чек ва б.); 2) Ўзининг егасига дивиденд ва фоиз кўринишида даромад олиш хуқуқини берувчи мулк титули. Уларнинг таркибига акциялар, облигациялар ва бошқалар киради.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992-йил 8-екабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодекси. 2007-йил 25-декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. 1995-йил 21-декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1993-йил 3-сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2-декабрдаги “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2005-йил 23-сентябрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил 4-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016-йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2270-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 27-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 26-ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005-йил 28-июндаги “Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-110-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида”ги 595-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 майдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб

бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 145-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015-йил 29-августдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги ўзбекистон республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2004-йил 21-декабрдаги 595-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 250-сонли Қарори.

15. “Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. 2004-йил 21-декабр.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88-сонли ва 282-В сонли қарори билан тасдиқланган “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010-йил 4-июнда 2111-сон билан давлат рўйхатига олинган “Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равища йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

18. “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобваракларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012-йил 15-мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2010-йил 3-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равища йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма Қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

20. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

21. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

22. Мирзиёев Ш.М. Еркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

23. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

III. Махсус иқтисодий адабиётлар:

24. Аллаяров Ш., Тошмухамедова Д. Давлат пенсия таъминоти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015. – 232 б.

25. Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К°», 2009. – 576 с.

26. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: “Ношир”, 2012. – 676 б.

27. Вахабов А.В. Миллий пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш механизми ва амалга ошириш дастаклари. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “Иқтисод молия”, 2017. 11-16-б.

28. Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси // Молия. 2010. - № 4. 21-27-бр.

29. Влияние единого социального платежа на занятость и финансовые показатели предприятий в Республике Узбекистан. Аналитическая записка. УНДП Узбекистан. Ташкент – 2015. – С. 6

30. Голубева С.В. Развитие пенсионных систем зарубежных стран и России в условиях демографического старения: автореф дис.к.е.н. – М.: «Российский университет дружбы народов», 2008. – С. 6.

31. Давронов Ш.З. Развитие устойчивого накопительного пенсионного обеспечения в банковской системе Узбекистана. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “Иқтисод молия”, 2017. 120-121-б..

32. Носиров Е. ва бошқ. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. – 148 б.

33. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Дарслик. – Тошкент: “ infoCom.UZ ” МЧЖ нашриёти, 2010. – 367 б.

34. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – 288 p.

35. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: “ЎМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2001. 2-том.

36. Умурзаков Б.Х. Пенсия бадали солиқ тўловларидан нима билан фарқланади?. – Тошкент: “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий електрон журнали. 1-сон, 2011. 5-б.

37. Федотов А.И. История возникновения пенсионных систем в зарубежных странах. Труды Института системного анализа Российской академии наук. 2006. – С. 309.

38. Зиядуллаев М.Ж. Пенсия таъминотидаги ислоҳотлар ва яратилган интерактив хизматлар. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими ning долзарб муаммолари” мавзуусидаги илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 2017-йил 14-март. – Т.: “Иқтисод молия”, 2017. 19-21-б.

39. Маликов Т.С., Ваҳобов Д.Р. Молия: чизмаларда. Ўкув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010. – 660 б.

40. Маматов Б., Ҳамраева Ф. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш масалалари. Монография. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2017. – 132 б.

41. Мажидов Н. Ниязов М. Пенсия тизимини тартибга солишнинг хориж тажрибаси. “Бизнес-эксперт” журнали, 2016. 11-сон. 40-б.

42. Мирзамаҳмудов М.М. Мақсадли жамғармалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш. Монография. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2013. 13-б.

43. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 448 б.

IV. Интернет сайтлари:

- www.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали);
- www.ziyonet.uz (Ўзбекистон Республикаси ахборот таълим тармоғи);
 - www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси);
 - www.pftu.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси);
 - www.mineconomy.uz (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги);
 - www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги);
 - www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси);
 - www.soliq.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси);
 - www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки);
 - www.uza.uz (Ўзбекистон Республикаси Ахборот агентлиги);
 - www.xb.uz (Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки).